# ЎЛКАМИЗДА МЕҲНАТ БАҲОРИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши. № 76 (13.032). 1 АПРЕЛЬ 1965 йил ПАЙШАНБА *Баҳоси 2 тийин.*

Сурхон водийсининг жанубий районларидаги хўжаликларда танлаб чигит экиш бошланиб кетди. Сурхондарё областидаги «Сурхон» совхозининг механизаторлари биринчилар қаторида чигит экишга киришдилар. ЎзТАГ фотомухбири М. Юсупов олган бу суратда ана шу хўжаликда чигит экиш пайти тасвирланган.

## ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

Бенобод пахтакорлари Тошкент областида биринчи бўлиб чигит экишга киришдилар. Навоий номли колхоздан Абдураим Оллоев бошчилик қилаётган бригада экиш олдидан қахрабо кислотасида чайилган дастлабки чигитни экди.

«Далварзин» совхозининг механизаторлари ҳам чигит экишга киришдилар.

## 8-9 ГЕКТАРДАН

Қоракўл районидаги «Партия XXII съезди» колхозида ҳозирнинг ўзидаёқ 100 гектардан ортиқ ерга чигит ташланди. Далада 7 та экиш агрегати ишлаб турибди. Сано Бобоев, Ҳамро Расулев, Эргаш Ҳайдаров, Усмон Эллиев ўртоқлар бошлиқ экипажларнинг аъзолари ҳар куни 8-9 гектардан ерга сифатли қилиб чигит экяптилар.

О. АҲАДОВ.

## ДЕҲҚОН ХИЗМАТИДА

Фарғона водийсида сеялкачилар билан бирга қишлоқ кооператорлари ҳам далага чиқишди. 27 автодўкон ва 18 автоприцеп шу кунларда колхозлар билан совхозлар ўртасида мунтазам қатнаб турибди. Кўпгина бригада дала шийпонларида сотувчисиз дўконлар очилди.

(ЎзТАГ).

# ҚИШЛОҚДА САВДО МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАЙЛИК

Жонажон Ўзбекистонда товусдек товланиб, минг рангда жилоланиб, гул чечаклар муаттар атрини сочиб, навбаҳор кезмоқда. Сахий қуёш қир-далалар бағрини иситиб, дарё-жилғаларни шошириб, мусаффо осмонда кун сайин кўпроқ зар сочмоқда. Бироқ далаларнинг асл хўжайинлари — қишлоқ меҳнаткашлари баҳордан минг карра ортиқ қудрат-шижоат билан, қуёш тафтидан иссиқ ҳарорат билан она—Ерга пардоз бермоқдалар — мўл «оқ олтин», дон ва бошқа ноз-неъматлар яратиш учун қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг меҳнатларига барака ва самара киритишда, руҳ ва кайфиятлари янада яхшироқ бўлиши, бўш вақтларини хушвақт ўтказишни таъминлашда қишлоқ кооператорлари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Республика кооператорларининг 75 минг кишилик армияси партия ва совет ташкилотлари раҳбарлиги ва бевосита ёрдами билан бу вазифани муваффақиятли адо этмоқдалар. Чанана ва улгуржи савдо оборота ва йиллик планлари ортиғи билан бажарилаётир. Фақат ўтган бир йилнинг ўзида республика матлуботчилари аҳолига пландан ташқари 7 миллион сўмликдан ортиқ мол сотдилар. Бу рақамлар шаҳарлар каби қишлоқ аҳолисининг ҳам эҳтиёж ва даромадлари тез ошиб бораётганлигининг шоҳидидир. Булар Коммунистин партия ва ҳукуматимизнинг меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш йўлида амалга ошираётган тадбирларининг самарасидир. Эндиликда турли уй-рўзғор буюмлари: холодильниклар, телевизорлар, радиоприёмниклар, бежирим шифоньерлар, замонавий мебеллар қишлоқ хонадонларини безаб турибди.

Қишлоқ аҳлининг дидини, уларнинг маданий савиясини оширишда савдо ходимлари катта роль ўйнайди. Республикамизда ўз касбини жондан севган, халққа хизмат килишни олиҳиммат деб билган кооператорлар сони ўсмоқда. Шу неча-кундузда қишлоқ савдо ходимларидан 10 мингдан ортиқ киши коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун қизғин курашаётир. Улар сафида юзлаб совет савдоси аълочилари бор. Бундай кишилар эл орасида катта ҳурмат ва иззат-икромга эга бўлаётирлар. Машраб Каримовни Андижон область, Ёрбоши қишлоғи меҳнаткашлари ғоят ҳурмат қиладилар. У бир неча йиллардан бери қишлоқдаги 6-магазинда мудир бўлиб ишламоқда. Коммунистин меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган бу магазинда савдонинг янги, прогрессив формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Аҳолига яхши хизмат кўрсатиш билан бирга уларнинг талаб ва эҳтиёжи қунт билан ўрганилаётир. Бунинг натижасида планлар ҳамиша ортиғи билан адо этилмоқда. Ўртоқ Каримовнинг ташаббуси билан магазин ходимлари пахтакорлар ва чорвадорлар ўртасида тез-тез сайёр савдо ташкил этмоқдалар. Уша ерларда меҳнатшаларнинг истак ва талаблари ёзиб олиниб, уларни бажариш учун барча тадбирлар белгиланаётир. Самарқанд областининг Нарпай, Тошкент областининг Чиноз матлубот жамиятларида ва бошқа ўнлаб район матлубот союзларида ана шундай жонкуяр, эзга хизматни асл мақсад деб билган кишилар ишламоқдалар.

Совет савдосининг беқиёс катта имкониятларидан тўла фойдаланилмаётган мавжуд резервлар ишга солинмаётган ерларда чанана ва улгуржи савдо планлари бажарилмай қолмоқда. Ҳали ҳамма қишлоқларда ҳам аҳолига савдо хизмати яхши уюштирилган деб бўлмайди. Айрим матлубот союзлари ва жамиятлари савдо маданиятини юксалтириш учун курашмаётирлар. Савдо маданиятини ошириш — бу магазинларнинг сиртини чиройли безаш, озодалиқни сақлаш билангина белгиланмайди. Бунинг учун аввало магазинларда молларнинг харидорбоп хилларини кўпайтириш, харидорлар билан хушмуомалада бўлиш, меҳнаткашларнинг талабларига сезгирлик билан жавоб бериш, молларни тез, чаққон харид қилиш учун барча қулайликларни яратиш зарур. Савдо ходими ойлик планларни бажариш билан бирга магазинда харидорга юксак маданий хизмат кўрсатмоғи лозим. Айрим районларда совет савдосининг ана шу муҳим қоидаларига риоя қилинмаётир. Харид қилинган нарсалар олувчига чиройли қилиб ўраб берилмайди. Магазинга келган яхши молларни ошна-оғайниларга прилавка орқасидан бериб юборишфактлари ҳам бор. Бунинг устига магазиндаги моллар чанг босиб ётади, ўз қимматини, кўринишини йўқотиб қўяди. Бу — ўтакетган масъулиятсизлик, совет савдо қоидасини бузишдир. Бундай кооператорлар совет савдосининг асл мақсади халққа хизмат қилиш ва унинг талаби, эҳтиёжини қондириш эканини унутиб қўяётирлар.

Айрим жойларда савдо ходимлари аҳолининг туб талабларини ўрганмаётирлар. Қашқадарё областининг Яккабоғ, Косон, Андижон областининг Балиқчи районларидаги магазинларда дала ишлари қизғин тус олган ҳозирги пайтда савдо ёмон ташкил этилган. Меҳнаткашлар зарур уй-рўзғор буюмлари — лампочка, чинни идиш, электр асбобларини ўз қишлоқларидаги магазинлардан топа олмай, область марказига қатнашга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳанда редакциямизга кўплаб хат ва шикоятлар келмоқда. Бунинг оқибатида улар қанчадан-қанча вақт ва кучни бекорга сарф қилмоқдалар. Мазкур район партия комитетлари, ижроия комитетлари савдо шохобчалари ишига жиддий раҳбарлик қилмаётирлар. Шуни унутмаслик керакки, савдо ниҳоятда муҳим иш. Шу сабабли ҳам савдо ташкилотлари маҳаллий партия органларининг ҳамиша диққат эътиборида туриши лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми қарорида бу масала партия, совет ташкилотларининг жонажон иши эканлиги алоҳида таъкидланган.

Партия комитетлари савдо кадрларини танлаш ва тарбиялаш ишларига жиддий аҳамият бериб, савдо ташкилотларига яқиндан ёрдам кўрсатаётган жойларда савдо тармоқлари билимдон, ҳалол, софдил кадрлар билан мустаҳкамланмоқда. Лекин айрим жойларда ўз шахсий манфаатларини кўзловчи кишилар савдо соҳасига кириб қолмоқдаларки, бундай шахсларга қарши муросасиз курашмоқ даркор. Қорақалпоғистон АССР, Ғўрткўл матлубот жамиятига қарашли магазинлардан бирида Зариф Худойбердиев мудир бўлиб ишлаётир. У 1945 йилда кооперация мулкини ўғирлагани учун жазоланган эди. Кооперация соҳасига яна ишга кирган З. Худойбердиев 1963 йилда 170 сўм намомат қилди ҳамда қонунга хилоф равишда 3 минг сўмлик молни ижарага берди. Бу нотўғри хатти-ҳаракати учун у кооперация ишидан четлатилган эди. Бироқ, кўли эгри бу шахсни район матлубот жамияти правлениесининг раиси Ўртоқ Муллабоев яна савдо ишига қабул қилди. Бундай кишиларнинг савдо тармоғида ишлаши давлатга ва кооперацияга жуда қимматга тушмоқдаки, бунга ортиқ тоқат қилиб туриш мумкин эмас. Тошкент областининг Урта Чирчиқ ва Оққўрғон район матлубот союзларида ўтказилган ревизияда бу ерларда кооперациянинг бир неча ўн минг сўмлик мулки талон-торож қилинганлиги аниқланди. Урта Чирчиқ ва Оққўрғон район партия комитетлари бу ҳолга бефарқ қарамоқдалар. Меҳнаткашлар депутатлари район Советлари ижроия комитетлари совет савдоси қоидаларини бузаётганларга қарши кескин курашмаётир!

Қишлоқларда совет савдоси ташкилотлари устидан жамоатчилик контролини кучайтириш керак. Партия ва совет ташкилотлари савдо ходимлари ўртасида қоғозбозлик ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериши лозим. Коммунизм қураётган совет кишиларига улар қилаётган қаҳрамонона меҳнатга лойиқ ишлаш учун савдо ходимлари совет савдоси маданиятини кун сайин ривожлантиришлари лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси олтинчи чақириқ Олий Советининг бешинчи сессияси 1965 йил 27 майда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Олий Совет бешинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми қарорлари асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорва моллар туёғини кўпайтириш чоралари тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССР шаҳарлари, район марказлари, шаҳар посёлкалари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларини қуриш ва ободонлаштиришни яхшилаш чоралари тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР нинг 1964 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида ҳисобот.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Е. НАСРИДДИНОВА.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Р. САХИБОЕВ.**

Тошкент шаҳри. 1965 йил 31 март.

# МАШИНАЛАР ДАЛАДА

Ҳозирги вақтда далаларимизда «ДТ-54А», «ДТ-75», «Т-74» маркали бақувват тракторлар гуриллаб ишлаб турибди, Камқувват, иши унумсиз, пахтакорларимизнинг назаридан қолган «Универсал» ва «ДТ-24-3» маркали тракторлар ўрнига двигатели 40 от кучига эга бўлган ва қишлоқ хўжалигидаги барча ишларни бажара оладиган «Т-28×3» тракторини Владимир трактор ва Ўзбекистон трактор йиғув заводларида ишлаб чиқарилмоқда. Бу трактор учун конструкторларимиз хилмахил қишлоқ хўжалиги машиналари яратмоқдалар. Булардан тишли осма борона, уяга белгиланган миқдорда чигит ташловчи сеялка, бир йиллик бегона ўтларни тугатиш учун гербицид аралашмасини сепувчи мослама, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига ва касалликларига қарши ишлатиладиган «ОТН-4-8А» маркали чанглагич-пуркагич машина, тракторга осиладиган «ХТ-1,2» пахта териш машинаси, «СКО-4» қўрак териш машинаси ва кейинги вақтларда яратилган ва ерга тўкилган пахтани териб олишга мўлжалланган «ПХ-1,2» маркали машиналар диққатга сазовордир. Айниқса, «ПХ-1,2» маркали подборщиклнинг яратилиши қувончлидир.

Агар 1 гектар ердаги пахтани териб олиш учун 102 киши-соат меҳнат сарф қилинса ва бунга 30,6 сўм маблағ кетса, машинани ишлатиш туфайли шу 1 гектар ердаги тўкилган пахтани териш учун 2-3 киши-соат меҳнат сарф қилиниб, 15-20 сўм маблағ тежаб қолиниши мумкин. Бу йил «Узбексельмаш» заводи коллективи «ПХ-1,2» машинадан анчагина тайёрлайди.

Ҳозирги вақтда Урта Осиё машина-синаш станциясида янада кучли, мукаммал машиналар синовдан ўтмоқда. Ерни ҳайдаш, экишдан аввалги тайёргарликни олиб бориш, арқ ва зовурлар қазиш каби ишларни бажариш учун мўлжалланган гусеницали трактор, ғўзапояларни даладан йиғиб олувчи машиналар, 50 от кучига эга бўлган ва пахта етиштиришда ишлатиладиган тракторлар шулар жумласидандир. Яқин вақтларда далаларимизда янада ажойиб машиналар жавлон уришига аминмиз.

Бироқ конструкторларимиз ва машинасозларимиз пахтакорлардан ҳали ҳам қарздорлар. Баъзибир машиналар сифатсиз, чидамсиз қилиб ишланмоқда, уларнинг камчиликлари кўп.

Яқинда «Совет Ўзбекистони» газетасида Андижон областининг бир группа механизаторлари конструкторлар ва машинасозларга мурожаат қилиб, «ХТ-1,2» машинасидаги жиддий нуқсонларни бартараф этишни маслаҳат бердилар.

Кези келганда шуни қайд қилиш керакки, кўпгина машинасозлик заводлари давлат синовларида кўрсатилган, колхоз ва совхозларда аниқланган камчилик ва нуқсонларни тугатиш юзасидан жуда суст иш олиб бормоқдалар.

Масалан, 1962 йилдаёқ «СКО-4» маркали кўрак териш машинасида аниқланган бир қанча камчиликлар ҳозиргача тугатилгани йўқ. Машина аппаратидаги шиппакларга ғўза туплари ва бегона ўтлар ўралашиб қолиши натижасида машина ноаниқ ишлайди. Бундан ташқари, машинадаги лентали транспортернинг юқори қисмида пахтанинг тиқилиб қолиши каби ҳоллар ва бошқа камчиликлар машина иш унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бундай камчиликлар деярли барча машиналарда учрайди.

Машиналарни сифатсиз тайёрлаш, топшириқларда кўрсатилган муҳим шартларни бажармаслик оқибатида улардан узоқ вақт унумли фойдаланиш мумкин бўлмай қолади.

Бундан ташқари, машиналарни бошқараётган анчагина механизаторлар ҳали ҳам яхши тайёргарликка эга эмаслар. Механизаторкадрлар тайёрлаш учун ташкил этилган билим юртларининг ўқув қуроллари орасида янги машиналар йўқ деса бўлади. Машғулотлар эски машиналар билан олиб борилади.

Машиналарни ишлатиш ҳақидаги кўп инструкциялар жуда ғализ ёзилган бўлиб, механизаторлар улардан деярли фойдалана олмайдилар. Бунинг устига кўпчилик машиналар бўйича инструкциялар ўзбек тилига таржима қилинмаган.

1964 йилнинг кузида Урта Осиё машина-синаш станциясида техник карови содда, механизатор меҳнатини тағин ҳам енгиллаштира оладиган янги пахта териш машиналари синаб кўрилди. Тракторга осилган икки қаторли пахта териш машинаси, 50 от кучига эга бўлган тракторга осилган тўрт қаторли машиналарнинг бир нечтаси бу йил республикамиз далаларида кенг кўламда синовдан ўтади.

**Ю. МАНСУРОВ,**
**Урта Осиё машина-синаш станциясининг лаборатория бошлиғи, Янгийўл шаҳри.**

## Олий маълумотли солдат, матрос, сержант ва старшиналар учун ҳақиқий ҳарбий хизмат муддати тўғрисида

**СССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 27 мартдаги Фармони билан олий маълумотли солдат, матрос, сержант ва старшиналар учун ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини бир йил қилиб белгиларди. Ижобий аттестацияга эга бўлган тақдирда, бу кишиларга запасдаги офицер унвонини олиш учун имтиҳон топшириш рухсат этилади. Имтиҳон топшириш муддати ва тартибини СССР Мудофаа министрлиги белгилайди.**

**Кундузги, кечки ва сиртқи олий ўқув юртларида, уларнинг филиалларида, факультетларида ва бўлимларида, шунингдек завод-олий техника ўқув юртларида ўқиётган студентларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиш муддати олий маълумот олгунгача 1965 йилдан бошлаб узайтирилади.**

**Фармон СССР Олий Совети тасдиқига тақдим қилинди.**

**(ТАСС).**

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Георгий Кузьмич **Платоненков** Ўзбекистонда кўп йиллар давомида самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

## ПИЛЛАЧИЛАР ТАРАДДУДИ

ФАРҒОНА. Ленинград районидаги «Партия XX съезди», «Ленинобод», «Октябрь», Карл Маркс номли, Бағдод районидаги «Правда» колхозларида қурт боқишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Қуртхоналар дезинфекция қилиниб, печкалар ҳозирланяпти.

●

АНДИЖОН. Чуст районидаги «Ленин йўли» колхозида 8 та пиллачилик бригадаси тузилди. Ипак қуртини парвариш қилиш учун алоҳида бинолар ажратилиб, дезинфекция қилинди.

●

САМАРҚАНД. Иштихон районидаги Фрунзе номли колхоз қуртхоналарига кўмир, ўтин келтирилди. Печка ва бошқа керакли нарсалар тахт қилиб қўйилди.

РЕПОРТАЖ

## ЯЙЛОВДА

Чўл... Чўл бўлганда ҳам азим, бепоён чўл. Қанча йўл юрсан-да, бирор туп дарахтга ёки оқар сувга дуч келмабмиз. Шу яйловларда «Деҳқонобод» совхозининг 20 мингдан ортиқ қўй-қўзилари боқиляпти.

Чўлга келиб биринчи бор учратган кишим чўпон Йўлдош ака Урозов бўлди. Қуёшнинг тафти кўтарилиб, чўлда баҳор ели эса бошлаган эди ўшанда. Ҳа, бир ҳафта бурун адирларни қоплаб ётган қор парчалари ўрнида майса гиламлар сабза урибди. Эндигина ғунча оча бошлаган бинафшалар одатдагидек баҳорни биринчи бўлиб қарши олган.

Узоқ-узоқлардан чўпон найининг ёқимли овози қулоққа чалинади. Булоқлардан жилғалар томон оқиб тушаётган зилол сув шаршараси, қуй-қўзиларнинг тинимсиз маъраши бутун борлиқни қоплаган. Нақадар латофатли чўлнинг баҳори.

— Чўпонлар учун галвирни сувдан кўтарадиган пайт келди, — дейди Йўлдош ака совлиқларига тикилиб. — Қўзилаётган ҳар бир қўйни кузатиб юришга тўғри келади.

Биринчи бўлиб Йўлдош ака фермасида совлиқлар қўзилай бошлади. Ҳар куни унинг отарида 20-25 совлиқ туғяпти. Уларнинг кўпи эгиз. Эгиз қўзилаган қўйни кўрганида Йўлдош ананинг боши осмонга етади. Қишн билан чеккан азоблари унутилиб, юзига табассум югуради. Иргай таёғини кифтига кўтариб, секин қўй ёнига боради. «Жонивор-ей, уйқусиз ўтказган тунларим бекорга кетмабди-да» дегандек жилмаяди. Сўнг қўзиларни олдинги икки оёғидан ушлаб, кўтаради-да, офтоб тушиб турган жойга олиб бориб қўяди.

Қир тепасидаги қўзили қўйларни қўрага ҳайдаётган ана у аёл Йўлдош ананинг умр йўлдоши — Гулсум опа. Мен бу очиқ чеҳрали, меҳнатсевар, қалби пок, содда аелни кўпинча яйловда учратганман. Бу гал ҳам эртадан кечгача қўнлар атрофида парвона бўлиб юрганини кўрдим. Ўғли Эшмамат ҳам мактабдан келди дегунча отасига овқат олиб, яйловга жўнайди. Кечга томон онасига ёрдамлашади...

Йўлдош ананинг бу йилги режалари катта. Ҳар 100 бош совлиқдан 170 тадан қўзи ва қўй бошига 3 килою 700 граммдан жун қирқиб олишга аҳд қилган. Ҳозир унинг отарида қўзилатиш муваффақиятли боряпти. Шу кунгача ҳар юз совлиқ ҳисобига олинаётган қўзи 170 тадан ошиб тушяпти.

Ҳар 100 бош қўйдан 140-160 тадан қўзи олиш учун нурашаётган Еқуб Минглиев, Амирали Эшбоев, Эргаш Аброев, Абдураҳим Аноров, Сиддиқ Ғонмов сингари моҳир чўпонларнинг отарларида ҳам қўзилатиш кампанияси намунали ўтмоқда. Уларнинг бу ишига илғор қўйчивон Йўлдош ака Урозов карвонбоши бўлмоқда.

**Б. РАЖАБОВ,**
Қашқадарё области.

## Советлар мамлакатида

*Москвада Бутунаттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг олтинчи пленуми бўлиб ўтди. Москвадаги «Каучук» заводининг ташаббуси билан бундан олти йил муқаддам етти йилликнинг 10 миллиард сўмлик рационализаторлик фондини вужудга келтириш учун мусобақа бошлашга қарор берилган эди.*

*Мамлакатнинг барча новаторлари рационализаторлик фондини вужудга келтириш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракатида актив қатнашдилар. Улар етти йиллик фондига 9,7 миллиард сўм жамғариб бердилар. Олти йил мобайнида халқ хўжалигида 15,7 миллионта рационализаторлик таклифидан фойдаланилди. Янгилик излаш жараёнида 55 мингта ихтиро вужудга келди. Бу ихтироларнинг ярмидан ҳозир практикада фойдаланилмоқда.*

*Мусобақа илғорлари орасида Куйбишев, Донецк, Ярославль областларининг, Красноярск ва Краснодарь ўлкаларининг, Латвия, Белоруссия, Грузиянинг новаторлари бор. Шу билан бирга пленум қатнашчилари бир қанча корхоналарда новаторларнинг таклифларини жорий этиш сансалорликка учраётганлигини гапириб беришди.*

*Пленум қарорида ҳозирги вақтда ихтирочилар билан рационализаторларнинг асосий эътибори саноат маҳсулотининг сифати ва пухталиги проблемасини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялашни ҳал этишга қаратилиши лозим эканлиги уқтирилади.*

●

*«Туймазабурнефть» трестининг мастер Иосиф Поляковский раҳбарлигидаги пармалаш бригадаси шу йилнинг ўзида Бошқирдистонда ўн минг метрча нефть кон-қудуғи қазиб берди. Бригада бу йил 43 минг метр конқудуқ пармалаш юзасидан белгиланган графикни ортиғи билан бажариб бормоқда. Мамлакат Шарқида ҳеч бир бригада шу вақтга қадар бундай кўрсаткичга эришмаган эди.*

●

*Фашистлар Германияси устидан қозонилган улуғ галабанинг 20 йиллигига бағишланиб, Актюбинск области кинотеатрлари ва қишлоқ клубларида фильмлар фестивали бошланди. Экранларда совет кишиларининг қаҳрамонона жасоратларини кўрсатувчи «Райком секретари», «Икки жангчи», «Тириклар ва ўликлар» ва бошқа фильмлар кўрсатилмоқда. (ТАСС).*

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ПЛЕНУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Шу йил 2 апрель эрталаб соат 10 да Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биносида (Ўзбекистон кўчаси, 43-уй) Ўзбекистон Журналистлар союзининг пленуми очилади.

Пленум қатнашчилари 1 апрель эрталаб соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон Журналистлар союзи (Навоий кўчаси 30-уй) да рўйхат дан ўтадилар.

**Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг президиуми.**

# ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

***Квадрат-уялаб чигит экишни сифатли ўтказайлик*** ❁ *Барча экиш агрегатларини тўла ишга солайлик* ❁ **Уруғни яхши ишланган ерга сифатли экайлик!**

# Умумхалқ контроли

*** Қишлоқ хўжалиги — зарбдор фронт * Ҳамма соҳа бир текис ривожлансин * Мебель саноати — халқ контроли назоратида * *Минерал ўғитлардан моҳирона фойдаланилади.***

КОНТРОЛЬ КОМИТЕТЛАРИДА

## МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

**Шеробод райони ўзининг чорваси билан машҳур. Шу кунларда бу ердаги чорвадорларнинг қўли кўлига тегмайди. Чунки чўпонлар ҳаётида муҳим давр — қўзилатиш кампанияси бошланди. Хўш, бу муҳим кампания қандай ўтказилляпти, бу соҳада қандай нуқсонлар юз беряпти?**

**Сурхондарё область партия-давлат контроли комитети мазкур районда қўзилатиш кампаниясига тайёргарлик ва унинг ўтказилиши юзасидан текшириш ўтказди. Бир қатор хўжаликларда тайёргарлик ишлари яхши бўлишига қарамасдан, ҳали айрим жойларда жиддий камчиликлар ҳам борлиги кўзга ташланди. Чунончи, қўзилатиш ўтказиладиган майдонлар ва иссиқхоналар тахт қилиб қўйилмаган. Қўшимча равишда озуқа маҳсулотлари келтирилмаган. Айниқса «Коммунизм» (директори Маматов, бош зоотехник Ражабов ўртоқлар) совхозида қўзилатиш кампанияси масъулиятсизлик билан кутиб олинган. Совхознинг айрим отарларида янги туғилган қўзиларни ҳисобга олиш яхши ташкил қилинмаган. Қўзилатиш кампаниясининг муддати эса ҳар бир чўпонга етказилмаган. «Шеробод» совхози отарларида ҳам қўзилатиш уюшқоқлик билан ўтказилмаяпти.**

**Область партия-давлат контроли комитети текшириш натижаларини кенг муҳокама қилиб, нуқсонларни тугатишга қаратилган кўрсатмалар берди. Бу кўрсатмалар асосида ҳозир Шеробод районда конкрет тадбирлар амалга оширилляпти.**

## «ЎГАЙ» СОҲА

**Поп районидаги «Коммунизм» колхозида чорвачилик бир неча йилдан бери қолоқ соҳа ҳисобланади. Лекин бу ҳол хўжалик раҳбарларини сира ҳам ташвишлантирмаяпти. Ҳар йили колхоз чорвачилигидан 100-120 минг сўмлаб зиён тортяпти. Қўйлардан қўзи ва сигирлардан бузоқ олиш планлари ҳамон бажарилмай неляпти. Бундан ташқари, фермаларда чорва молларини рацион асосида озиқлантириш, кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаштиришга ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда.**

**Район партия-давлат контроли комитети «Коммунизм» колхозидаги бундай аҳволни батафсил ўрганиб, мазкур масалани комитет йиғилишида муҳокама қилди. Уз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун ферма мудирлари Эргашев ва Мамадалиев ўртоқларга қаттиқ виговор эълон қилинди. Ферма мудирлари Исломов ва Умаров ўртоқлар ҳам қатъий огоҳлантирилди. Комитет йиғилиши колхоз чорвачилигини ривожлантиришга ёрдам берадиган конкрет кўрсатмалар берди.**

**М. МАМАСОДИҚОВ.**

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг инструктори.



Далаларимизда илк баҳор нафаси сезилиб қолди. «Оқ олтин» миришкорлари белни маҳкам боғлаб, ерга чигит ташлашга киришдилар. Экиш кампанияси — ҳосил тақдирини ҳал қиладиган масъулиятли даврлардан бири эканини яхши тушунган қишлоқ хўжалик ходимлари шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳамиша халқ манфаатларини нўзлаб иш қиладиган контролёрлар ҳам бу кураштан четда қолмаётирлар. Улар чигит экиш билан боғлиқ бўлган ҳар бир тадбирни ўз вақтида амалга ошириш, далада ишлаётганлар учун маданий-маиший шароит яратиб бериш юзасидан қатъий назорат ўрнатишмоқда.

Оржоникидзе районининг «Маданият» колхозидаги кўмаклашувчи группа аъзолари ҳам ташаббус кўрсатмоқдалар. Улар экишни қисқа муддатларда ўтказиш учун барча куч ва имкониятлардан моҳирона фойдаланишда колхоз партия ташкилотига яқиндан ёрдам беришяпти. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари халқ назоратчиларининг ғайратига ғайрат қўшяпти.

Суратларда: «Маданият» колхозининг актив, ташаббускор назоратчиларидан (чапдан) М. Юсупова, Қ. Бўронбоева, Қ. Бекмуҳамедов ва С. Комилов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

# ЧОРВА ТУЁҒИ КЎПАЙСИН

*Қўйлардан ва сигирлардан кўплаб бола олишга жиддий эътибор берган хўжаликда чорвачилик ривожланаверади. Бироқ, кўплаб қўзи ва бузоқ олишга панжа орасидан қараётган хўжалик раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Айниқса Самарқанд областининг айрим колхоз ва совхозларида қўзи ва бузоқ олишга эътибор берилмаётганлиги оқибатида чорва туёғи йил сайин камайиб кетди. Айниқса, областнинг Нарпай, Иштихон ҳамда Каттақўрғон районларида аҳвол оғир. Мазкур районларда бултур ҳар 100 сигирдан бор-йўғи 55-68 тадан бузоқ олинган холос.*

*Айрим хўжаликларда янги туғилган қўзи ва бузоқларни ҳисобга киритмаслик расм бўлиб қолган. Чунки бундай қилинганда қўй-қўзилар нобуд бўлса ҳеч ким жавобгар бўлмайди-да: Чунончи, Самарқанд районидаги Куйбишев номли колхозда 236 та бузоқдан 13 таси ҳисобга киритилмаган. Шунингдек, Пастдарғом районидаги «Комсомол» колхозида сўнгги икки ой ичида туғилган 37 та бузоқдан 21 таси ҳисобга киритилмаган. Бундан ташқари, юқорида қайд қилинган хўжаликларда бузоқларни парвариш қилишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, мазкур хўжаликларда бузоқлар учун махсус сунъий сутлар тайёрланмайди. Натижада зотдор сигирлардан олинган бузоқлар яхши ўсмай қоляпти.*

*Сигирларни сунъий қочиришни тўғри ўтказиш ҳам чорва туёғини кўпайтиришга имкон беради. Шунга қарамасдан, айрим хўжаликларда сунъий қочириш номигагина ўтказиляпти. Бу соҳанинг мутахассисларига жойларда қулай шароитлар яратиб берилмаган. Масалан, Пастдарғом районидаги Калинин номли колхозининг сунъий қочириш бўйича техниги арзимаган сабаб билан ишдан бўшатилиб, ўрнига чорвачиликдан кам хабардор бўлган киши қўйилган. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳар 100 сигирдан 53 тадан бузоқ олингани бежиз эмас.*

*Бошқармаларнинг мутахассислари ҳам чорвачиликни ривожлантиришнинг прогрессив усуллари, жумладан, сунъий қочириш методини дадил қўллашда суст-кашлик кўрсатмоқдалар. Ургут районидаги колхозлараро сунъий қочириш станцияси иши билан ҳеч ким қизиқмаяпти. Бу станция сўнгги икки йил мобайнида бирор ташкилот олдида ҳисоб бергани йўқ.*

*Чорва туёғини кўпайтириш борасида юз берётган бундай камчиликларни тугатишда жойлардаги партия-давлат контроли органлари ва халқ контролёрларининг кенг армияси актив иштирок қилишлари лозим.*

**К. АН,**
**Самарқанд область партия-давлат контроли комитетининг инспектори.**

# УЗОҚНИ КЎЗЛАБ

Колхозимиздаги кўмаклашувчи группа ва постларнинг жамоатчилари ҳақида гап юритар эканман, қишлоқ халқ назоратчиларининг хўжаликнинг барча тармоқларини текис ривожлантириш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини тобора ошириш, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш борасидаги ибратли тажрибаларига тўхталмасдан ўтолмайман. Хўжаликнинг бирор соҳасидаги камчиликни кўра олиш ва уни тузатишга кўмак бериш мазкур соҳани пухта билишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам халқ контролёрлари қишлоқ хўжалик артелининг барча соҳалари бўйича ўз малакаларини оширишга катта эътибор беряптилар.

Камчилик юз бергандан сўнг бу ҳақда бонг уришдан кўра, унинг олдини олган минг марта афзал. Биз ҳам ҳамиша камчиликнинг олдини олишга ҳаракат қиламиз. Чунончи, устаханада қишлоқ хўжалик техникасини баҳорги экиш кампаниясига тайёрлашда сусткашлик юз бераётганини сезиб, бунинг сабабларини аниқлашда колхоз партия комитети аъзолари билан ҳамкорликда иш кўрдик. Устаханада меҳнат интизоми суст, механизаторлар учун эса қулай маданий-маиший шароит яратиб берилмаган экан. Контролёрлар техника ремонтида юз бераётган камчиликларнинг тезроқ олдини олишга қаратилган конкрет таклифлари билан колхоз правлениеси ва партия комитетига мурожаат қилдилар. Правление ва партия ташкилоти дарҳол конкрет тадбирлар белгилаб, баҳорги экиш кампаниясига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган муҳим масалани ҳал қилди. Бундан ташқари, кўмаклашувчи группа «Узсельхозтехника» район бирлашмасидан колхоз механизаторларига амалий ёрдам беришни илтимос қилди. Халқ назоратчиларининг илтимосини рад қилиб бўлармиди! Албатта, йўқ. Шу тариқа, колхоздаги қишлоқ хўжалик техникаси қисқа вақт ичида созланиб, мана ҳозир чигит экишга киришилди. Ўтган хўжалик йили натижаларини салмоқлаб кўрар эканмиз, колхозда ҳамма соҳалар ҳам бир текисда ривожланяпти, деб бўлмайди. Айниқса бизда чорвачилик оқсаб қоляпти. Масалан, хўжалигимиз анчагина чорва молларига эга бўлишига қарамасдан, ўтган йили 3,7 минг сўм даромад олди, холос. Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи ҳали қиммат. Бир центнер мол гўштининг таннархи 93 сўм 90 тийин, қўй гўштиники — 65 сўм, сутники — 10 сўм 30 тийин, дағал хашакники — 1 сўм 92 тийин, силосники эса — 0,87 тийинни ташкил қиляпти. Бундан ташқари, моллардан бузоқ олиш плани ҳам анчадан бери бажарилмай келяпти. Шунингдек, чорва молларининг туёғи йилдан-йилга кўпайиш ўрнига, аксинча, камайиб боряпти. Фақат ўтган икки йил мобайнида қўйларнинг туёғи 450 бошга камайиб кетди.

Колхоз чорвадорларининг бу йилги мажбуриятлари анча юқори. Улар давлатга 127 тонна гўшт, 245 тонна сут, 60 центнер жун, 60 минг дона тухум сотиш ҳамда қорамоллар туёғини 700 бошга, жумладан сигирлар туёғини 260, қўйлар туёғини эса 2400 бошга кўпайтиришга аҳд қилганлар. Колхоз чорвадорларининг ўз мажбуриятларини муваффақиятли амалга оширишларида контролёрларимиз ишончли таянч бўлишлари лозим. Шуни кўзда тутиб, биз асосий эътиборни чорвачиликни маҳсулдор соҳага айлантириш, бунинг учун эса озуқа базасини ҳар тараф-лама мустаҳкамлаш, чорвачилик маданиятини қунт билан эгаллаб, мамлакатга янада кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришга ҳисса қўшишимиз лозим. Кўмаклашувчи группамиз партия ташкилотининг конкрет раҳбарлиги остида жамоат чорвачилигини ривожлантиришга қаратилган амалий тадбирларни белгилади. Бунга асосан фермаларда прогрессив методлардан моҳирона фойдаланиш, айниқса қўзилатиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан катта ишлар қилиняпти. Зооветеринария қоидаларига қатъий амал қилиш ҳар бир чорвадорнинг бурчи бўлиб қолишига ҳаракат қиляпмиз. Ўз-ўзидан маълумки, ем-хашак базаси мустаҳкам бўлмаса, чорва молларидан кўп маҳсулот олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилиш талаб этилади. Фермалардаги кўмаклашувчи пост аъзолари ем-хашакдан эҳтиётткорлик билан, увол қилмасдан фойдаланиш устидан ҳам контроль ўрнатишган. Уларнинг ташаббуси билан ориқ мол ва қўйлар алоҳида группаларга ажратиб боқилмоқда. Улар учун махсус рацион белгиланган.

Фермаларда ҳисоб-китобнинг пухта йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Контролёрлар ҳар бир бузоқ ёки қўзини, сарф қилинаётган озуқаларни ҳисобга олиб боришни кун сайин назорат қилиб турибдилар. Шунингдек, хашакларни мол ва қўйларга майдалаб бериш учун мўлжалланган агрегатлардан яхши фойдаланишга эътибор берияпти. Масалан, группа аъзоларидан Хўжаев ва Сотибоев ўртоқлар бу соҳадаги камчиликларнинг барвақт тугатилишига катта ҳисса қўшдилар. Назоратчи ўртоқ Солиев эса суг-товар ва паррандачилик фермаларида ойига икки марта «Контролёрлар куни» ўтказяпти. Янги туғилган бузоқларнинг қандай семираётганини билиш учун улар контролёр иштирокида ҳар куни тарозида тортилади. Биз сигирлар ва қўйларнинг қисир қолмаслиги устидан ҳам доимий назорат ўрнатганмиз.

Шу тобда чорвадорлар ҳаётида муҳим давр — қўзилатиш кампанияси бошланиб кетди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан илҳомланган чорвадорларимиз қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун астойдил бел боғлаганлар. Халқ контролёрлари ҳам бу муҳим ишга ўзларининг сезгирлиги ва ташкилотчидиги билан катта ҳисса қўшмоқдалар. Чорвачилик фермаларида оператив контроль постлар ташкил қилдик. Мазкур постларнинг сезгир контролёрлари қўзилатиш ва бузоқ олиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай катта-кичик камчиликларни тез аниқлаб, уларни бартараф қилишга киришмоқдалар. Пост аъзолари туғилган қўзилар ва бузоқларнинг ҳисоб-китоб қилинишини ҳам назорат қилиб бормоқдалар. Қўйчилик фермасида кўмаклашувчи группа ва «Комсомол прожектори» аъзоларидан иборат тузилган пост ҳам сезгирлик билан ишламоқда. Назоратчилар ҳар бир кўзи ва бузоқнинг соғлом бўлиши ва тез ўсиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилишига эришмоқдалар.

Яйловларда махсус контроль постлари тузилади. Бу постлар жун қирқиш ва маҳсулотнинг сифати устидан назорат қилади.

Шуниси муҳимки, контролёрларимиз узоқни кўзлаб ишламоқдалар. Улар ҳозирнинг ўзиданоқ келаси йил учун мўл-кўл озуқа базаси яратиш ҳақида қайғурмоқдалар. Мутахассисларнинг айтишича, жамоат чорвачилигини тезкорлик билан ривожлантириш учун келаси йилга мўлжаллаб 4155 тонна силос ва 1729 тонна дағал хашак ҳозирлаб қўйиш лозим бўлади. Бунинг учун колхоз правлениеси маккажўхори экиш учун 200 гектар, беда экиш учун эса 185 гектар ер ажратди. Кўмаклашувчи группа ҳамда жойлардаги постларнинг аъзолари мана шу ерлардан моҳирона фойдаланиб, юқори ҳосил олишга замин яратилиши ҳақида қайғурмоқдалар. Бу майдонларда мўл ҳосил олиш учун 8 тоннадан маҳаллий ўғит, айниқса беда экиладиган майдонларга эса бунга қўшимча равишда 300 килограммдан суперфосфат солишга тўғри келади. Чорва озуқаси учун экиладиган маккажўхори ва бедадан мўл ҳосил олиш ва шу тариқа колхознинг ҳозиргача қолоқ ҳисобланиб келган тармоғи — чорвачиликни янада ривожлантириш бизнинг диққат-эътиборимизда турибди.

Партия-давлат контролининг колхозимизлаги кўмаклашувчи группаси ва постларининг фидокор контролёрлари КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган март Пленуми қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишни ўзларининг жонажон ишлари деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар ҳозир янада зўр ғайрат билан ишлаб, жамоат хўжалигининг барча тармоқларининг бир текисда ривожланиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

**М. КАРИМОВ,**
**Янгиқўрғон районидаги «Октябрь» колхози кўмаклашувчи группасининг раиси.**

## ХОТИРЖАМЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

*Баҳорги экишни муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан бу кампанияга нечоғли яхши тайёргарлик кўрилишига боғлиқ. Бироқ, баъзи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари буни унутиб қўйишади. Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида ҳам худди шундай бўлган. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, ерларни ҳайдаш ва текислаш жуда сусткашлик билан олиб бориляпти. Ишчилар учун қулай маиший-маданий шароитлар яратилмаган. Шунингдек, меҳнат интизоми — бўш. Натижада ишчиларнинг кўпчилиги қишлик кормаларини атиги 50-60 процент бажаряпти, холос.*

*Фарғона областидаги Киров район партия-давлат контроли комитети совхоздаги бундай аҳволни тезроқ тузатиш юзасидан хўжалик раҳбарларига фойдали маслаҳатлар берди. Шунингдек, совхоздаги партия-давлат контролига кўмаклашувчи группага дала ишларини ташкил қилишни ҳамиша диққат марказида тутиш вазифасини топширди.*

*А. ХУЖАЕВ.*

# АЛДАМЧИ СОАТЛАР

*Тошкент шаҳри кўчаларида юзлаб осма соатлар бор. Лекин бу соатлар кўп кишиларни чалғитади, ишдан кеч қолишига ёки поездга, самолётга кечикишига сабаб бўлади.*

*Шаҳар кўчаларида осилган 200 дан ортиқ соатнинг тўғри юришига «Горосвещения» ҳамда «Ремточмех» комбинати раҳбарлари масъулдирлар. Бироқ, улар бунга ҳамма вақт ҳам ҳиссиёт қилавермайдилар, шекилли. Бўлмаса, шаҳарда қарийб 50 та осма соат бузилиб ётармиди! Масалан, 1-троллейбус паркининг олдидаги, Октябрь районидаги 20-мактаб рўпарасидаги, Госпитальный бозори дарвозаси тепасига осилган соатлар бир неча ойлаб бузилиб ётади. Айримлари эса юрса ҳам вақтни нотўғри кўрсатади.*

*«Горосвещения» директори К. Турсунов ҳамда «Ремточмех» комбинатининг директори Тамакин ўртоқлар шаҳримиз кўчаларида қуруқ савлатга осиғлиқ турган электр соатларини тузатиш ҳақида бош қотирарминалар? Еки мазкур соатлар вақтни нотўғри кўрсатиб, меҳнаткашларни чалғитаверадими?*

**Ж. НИШОНОВ,**
**Тошкент шаҳар ижроия комитетининг молия бўлими ходими.**



**Суратда: Ўша алдамчи соатлардан бирининг қиёфаси тасвирлан. ган. Бу соат бир неча ойлардан бери Тарас Шевченко кўчасидаги троллейбус депоси қаршисида турибди.**

# МЕБЕЛЛАРИМИЗ СОЗ БЎЛСИН

**ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА**

*Яхши мебель уйнинг ҳуснига-ҳусн қўшади, киши дилини хушнуд этади. Шунинг учун ҳам бу соҳада ишлаётган барча кишилар-зиммасига катта масъулият юкланган. Етти йиллик мобайнида республикамиздаги мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати анча ошди. Ҳозир 1958 йилдагига нисбатан бизда қарийб 2,5 баравар кўп мебель ишлаб чиқариляпти. Мебель тайёрловчи корхоналарни ихтисослаштириш, уларда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва айниқса маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган баъзи бир тадбирлар амалга оширилди.*

*Бироқ, мебель саноатида ҳали шундай катта нуқсонлар борки, шунинг оқибатида маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмай қоляпти, мебелларнинг замонавий хилларини ишлаб чиқариш жорий этилмаяпти. Магазинларга сотиш учун чиқарилган мебеллар меҳнаткашларнинг талабларига жавоб бермаётир. 1963—1964 йиллар мобайнида мебель саноати 42,5 миллион сўмлик ўрнига 38,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, холос. Бултур Самарқандда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3 миллион сўмга тенг мебель фабрикаси ишга туширилиши лозим эди. Бироқ, фабрика қурилиши лойиҳаси ҳадеб ўзгартирилавергани туфайли мазкур корхона ҳалигача битказилгани йўқ. Шу йилнинг январь ойига қадар бу ерда қурилиш-монтаж ишлари атиги 80 процент бажарилди. Ҳозир эса техника ҳужжатлари йўқлиги сабабли бу объектда иш деярли тўхтатиб қўйилган.*

*Ўтган икки йил мобайнида мебель корхоналари планга нисбатан 2,3 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Меҳнаткашларнинг ошхона ва болалар мебелига бўлган эҳтиёжи қондирилмаяпти. Ишлаб чиқарилаётган мебелларнинг сифати ёмон, хили кам эканлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, сўнгги икки йил ичида фақат 7 хил янги мебель турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, холос. Кўпгина корхоналарда эса мебелнинг эскириб қолган моделлари, бесўнақай хиллари тайёрланяпти. Шунга қарамасдан республика Халқ хўжалиги кенгаши ва унинг Егочни қайта ишлаш бошқармаси раҳбарлари (Назарьянц ва Маъруфов ўртоқлар) бундай жиддий камчиликларни тезроқ бартараф қилиш юзасидан тадбирлар кўрмадилар. Ҳолбуки, Узбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети ўзининг 1963 йил 9 апрелда чиқарган қарорида юқоридаги камчиликларни таъкидлаб, уларни тузатиш ҳақида кўрсатма берган эди.*

*Мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарда масъулиятсизлик шунга бориб етганки, маҳсулотнинг сифати ёмонлиги ҳақида кўплаб шикоятлар эътиборсиз қолдирилмоқда. Бешта корхонада текшириш ўтказилганида, улар томонидан ишлаб чиқарилган мебелнинг 60,5 проценти брак қилинган, шунингдек, тузатиш учун корхонага қайтарилган. Чунончи, «Шарқ» фирмаси (директори ўртоқ Чичков) филиалларида тайёрланган 344 дона мебелнинг 87,5 проценти сифат жиҳатидан талабга мутлақо жавоб бермайди. Мазкур фирманинг 1, 2-филиалларида тайёрланган маҳсулотлар текширилганда бутунлай брак эканлиги аниқланди. Андижон, Самарқанд, Нукус ва Бухоро мебель фабрикаларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳам шундай сифатсиз. Улар ўз фаолиятларида меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган диди ва эҳтиёжларини ҳисобга олмайдилар. Мебель маҳсулотларининг бежирим, ихчам ва чиройли бўлиши ҳақида қайғурмайдилар. Шунинг учун ҳам мазкур корхоналарнинг маҳсулотлари кўпинча касодга учраяпти.*

*Мебель корхоналарининг сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришининг сабабларидан яна бири шуки, мебеллар кўпинча ҳўл ёғочдан тайёрланади. Бу эса маҳсулотнинг тез ишдан чиқишига олиб келади. Бундан ташқари юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаришда пружинали блокларидан кам фойдаланилади. Маҳсулотнинг сифатига корхоналарда ишнинг бир меъёрда ташкил қилинмаганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Ойлик планда кўрсатилган топшириқнинг қарийб 70 проценти ойнинг охирги кунларида бажарилади. Шунингдек, тайёр маҳсулотни асрашга мўлжалланган складларнинг етарли эмаслиги ва мавжудларининг эса эҳ бўлганлиги туфайли кўп ҳолларда савдо ташкилотларига юборилиши лозим бўлган мебеллар сифати бузиляпти. Тайёр мебеллар аслида жойларга упаковка қилиб юборилиши лозим. Лекин «Шарқ» фирмаси ва бошқа бир қанча корхоналарда бунга амал қилинмаётгани сабабли, мебелларни транспортировка қилишда қулайсизлик вужудга келяпти.*

*Маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш нечоғли катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Бироқ, бунинг аҳамиятини кўпгина мебель корхоналарининг раҳбарлари унутиб қўйётганга ўхшайдилар. Бўлмаса, «Шарқ» фирмасида бир хил мебель корхонанинг бир неча филиалларида тайёрланармиди!*

*Ускуналардан кўнгилдагидек фойдаланилмаяпти. Масалан, «Шарқ» фирмасида бутун ишларнинг 69 процентдан кўпроғи қўл кучи билан бажарилади. Ҳолбуки, бу ерда 19 та технологик ускуналар (булардан 8 таси ўрнатилган) ишлатилмаяпти. Олмалиқдаги мебель фабрикасида ҳам аҳвол шундай. Яна шуни қайд қилиш керакки, 40 процентдан кўпроқ ёғоч материаллари чиқиндига чиқариб ташланяпти. Аслида эса чиқиндини камайтириш мумкин эди.*

*Узбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети яқинда республика Халқ хўжалиги кенгаши мебель корхоналаридаги аҳвол билан танишиб чиқиб, бу масалани кенг муҳокама қилди. Таъкидланган камчиликларни тезроқ бартараф қилиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар кўришни Халқ хўжалиги кенгаши ҳамда унинг Егочни қайта ишлаш бошқармаси раҳбарларига топширди. Шунингдек, кўрилган тадбирлар ҳақида шу йилнинг 15 июнида Партия-давлат контроли комитетига ахборот бериш топширилди.*

**СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИДА босилгандан КЕЙИН**

## «МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР — ҲОСИЛ КАЛИТИ»

«Совет Узбекистони» газетасининг шу йил 13 февраль сонида умумхалқ контроли саҳифасида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада республикамизнинг айрим районларида минерал ўғитларни ташиб олиш ва сақлашга етарли эътибор берилмаётгани, Урта Осиё темир йўли бошқармасига қарашли кўпчилик станцияларда, юк туширишда майдончаларида минерал ўғитлар сочилиб ётгани, ёғингарчилик остида қолиб нес-нобуд бўлаётгани таниқид қилинган эди. Шу муносабат билан редакция «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ И. Бабков, Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари П. Тимофеев, Урта Осиё темир йўли бошқармаси бошлигининг ўринбосари В. Приклонский ўртоқлар имзоси билан ёзилган хатни олди. Унда қуйидагилар баён этилади:

Текширишда таниқидий мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Каттақўрғон, Фурқат, Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Шовот ва бошқа бир қатор темир йўл станцияларида минерал ўғитлар тўкилиб-сочилиб ётибди. Ваҳолонки, шу станцияларда ўғитни исроф қилмай сақлаш учун омбор, бостирмалар етарли бор. Айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўғитларни станциядан вақтида ташиб кетиш чораларини кўрмаётирлар. Натижада ўғит ёғингарчилик остида қолиб нес-нобуд бўлаётир. Баъзи темир йўл станцияларининг бошлиқлари ўғити тушириб улгирилмаган вагонларни назоратдан ўтказмай жўнатиб юборяптилар. Шу йўл билан ҳам анчагина ўғит нобуд бўлаётир. Мослаштирилмаган вагонларнинг юк ташишга берилиши ҳам ўғитнинг исроф бўлишига олиб келаётир.

Хатда таъкидланишича, ўғит ортилган вагонларни ўз вақтида бўшатиш, ўғитни усти ёпиқ жойларда сақлаш, хўжаликларга юбориш чорасини кўрмагани учун Урта Осиё темир йўли бошқармаси бошлигининг буйруғи билан Каттақўрғон ва Охунбобоев темир йўл станцияларининг бошлиқлари Лисаконов ва Тиллаев ўртоқлар қаттиқ жазоланди. Темир йўл станцияларида ўғит сақлаш учун махсус усти ёпиқ жойлар ажратиш лозим топилди. Бухоро ва Самарқанд областлари территориясидаги станцияларда ҳозирдаёқ 17 омбор ажратилди. Бошқа станцияларда ҳам бу тадбир жадал амалга оширилмоқда.

Таниқидий мақола чиққандан кейин Фурқат, Каттақўрғон, Ҳазорасп ва бошқа станциялардаги ўғитлар тўла ташиб олинди. Ўғит исрофгарчилигига йўл қўйган кишиларни партия-давлат контроли комитетлари қаттиқ тартибга чақирди ва уларга жарима солинди. Бундан кейин минерал ўғит ва бошқа хил халқ хўжалик юкларини жойларга вақтида етказиб бериш, вагонларни белгиланган муддатда юкдан бўшатиб, ўғит келганлиги ҳақида тегишли хўжаликларни хабардор қилиш, ўғитни исроф қилмай ташиб олинишини таъминлашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Ҳозирги кунда Урта Осиё темир йўл бошқармаси Узбекистон ССР территориясидаги станцияларда тўпланиб қолган минерал ўғитлар тўла ташиб олинди.

КОЛХОЗ ЖУДА КАТТА БУЛГАЧ, ШУНАҚА РАҲБАРЛИК ҚИЛИНАДИ.

ГОҲ УНДОҚ, ГОҲ БУНДОҚ.

ВАЪДАБОЙ ВАЪДА, БОЕВ.

ДАРОМАД БИР ТОМЧИ, БУРОМАД МИНГ ТОМЧИ.

М. Воробейчиков чизган расмлар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ * 2

1 АПРЕЛЬ, 1965 ИЙЛ
№ 76 (13.032).

# ХУШХАБАРЛАР

● Бухоро областида ихтисослаштирилган «Ғиждувон» қорақўлчилик совхозининг ташкил этилганига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Совхоз чорвадорлари қўзи олишда яхши натижаларга эришаётирлар. Бу хўжаликда 99 минг бош қўйдан 66 минг бошдан кўпроғи СЖК препарати билан эмланган эди. Ҳозир совлиқлар кўплаб эгиз қўзи бераётир.

Ражаб Раҳимов бошлиқ отарда 740 совлиқнинг ярмидан кўпроғи қўзилади. Бу ерда ҳар юз бош совлиқдан 160 ўрнига 167 тадан қўзи олинаётир.

**И. ОМОНОВ.**

● Шўрчи районидаги «Коммуна» колхозида ипак қурти боқишга ҳар тарафлама тайёргарлик кўрилмоқда. Колхозда эвено бошлиқлари состави қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Сўкчаклар ҳозирдан тайёрлаб қўйилмоқда.

**Х. УМБАРОВ.**

● Вақтида бороналаниб, нам сақлаб қолинган ва яхшилаб ишланган ерларга Вобкент районидаги Карл Маркс номли колхознинг Ибод Шомуродов бошлиқ бригадаси аъзолари чигит эка бошладилар.

**Ш. ШАРОПОВ.**

● Республика партия ва ҳукуматининг сабзавот экинлари маҳсулоти етиштириши кўпайтириш тўғрисидаги қарорини изчиллик билан амалга оширишга киришган Андижон районидаги «Ўзбекистон» колхозида 60 гектар ерга помидор, 10 гектар ерга карам кўчати ўтқазилди. Колхозчилар гектаридан 205 центнердан сабзавот маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилдилар. Охунбобоев номли колхозда ҳам 54 гектар ерга эртаги сабзавот экилди.

**С. ЎКТАМОВ,**
**К. НАСРИДДИНОВ.**



АМУ—Бухоро каналининг биринчи навбат қурилиши тугалланмоқда. Ҳадемай Амударё суви Зарафшонга қараб оқа бошлайди. Сиз суратда Навоий ГРЭСидан Ҳамза насос станциясига тортиб келинаётган электр узатиш линиясини кўриб турибсиз.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

# ЯНТАРЬ КИСЛОТАСИ— ҲОСИЛДОРЛИК КАЛИТИ

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда экинлардан мўл ҳосил олишда биогенсиз стимуляторлари кенг қўлланилянти. Экилган уруғ уларнинг таъсирида тез ва бехато униб чиқади, ўсимлик яхши ривожланади. Чунки стимуляторлар уруғ ва ўсимликнинг ноқулай об-ҳаво шароитига чидамлилигини кучайтиради. Натижада ҳосилдорлик ошади.

Янтарь кислотаси ҳосилдорликни ошириши тажрибада аниқланди. Ў ўсимликлардан, янтарь чиқиндисидан, лабораторияларда сунъий йўл билан фибром этандан олинади. Янтарь кислотасининг кучсиз эритмаси сепилган чигит, шунингдек буғдой, нўхат, ловия уруғи тез униб чиқиб, яхши ривожланади, пахта ва доннинг сифати яхшиланади.

Масалан, 1962 йили Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда 3,5 гектар ерга янтарь кислотаси эритмасида ивитилган чигит экилди. Уруғ бошқа карталардагига нисбатан уч кун илгари текис униб чиқди. Ғўза нормал ривожланиб, тезроқ шоналади ва гуллади, кўраклар эрта очилди. Гектаридан 35,3 центнердан, яъни бошқа карталардагига нисбатан 2,7 центнер кўп ҳосил олинди.

Шундан сўнг пахтакорларнинг янтарь кислотасига ишончи ошди. Шу туфайли 1963 йили Фарғона областида 4790 гектар, Андижон областида 3490 гектар, Тошкент областида 7300 гектар ерга янтарь кислотаси эритмасида ивитилган чигит экилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар эксперименталь биологияси институти томонидан Тошкент, Фарғона ва Андижон областларидаги 40 дан ортиқ колхоз ҳамда совхозларда чигитни янтарь кислотаси эритмасида ивитиб экиш юзасидан ўтказилган тажриба яхши натижа берди.

Қўқон группа районларидаги шўр тупроқли ерларга янтарь кислотаси эритмасида ивитилган чигит биринчи экишдаёқ бехато униб чиққанлиги айниқса қувончлидир. Ана шу ерларга илгари чигит икки-уч қайта экиларди. Чунки шўр унинг униб чиқишига йўл қўймасди. Айни вақтда ҳосилдорлик ошди. Поп районидаги Охунбобоев номли совхознинг 2-бўлимида янтарь кислотаси эритмасида ивитилган чигит экилган 218 гектар шўр ернинг гектаридан 35 центнердан пахта териб олинди. Совхознинг 4-бўлимида эса 500 гектар ерга апрелнинг охирида чигит экилган эди. Чигит кеч экилганига қарамай гектаридан 25,4 центнердан ҳосил олинди. Чунки чигит экиш олдидан янтарь кислотаси эритмасида ивитилган эди. Шу туфайли уруғ тез ва бир текис униб чиқди. Ғўза яхши ривожланиб, барвақт ҳосилга кирди, пахта эрта пишди. Янтарь кислотасидан катта фойда кўрган совхоз пахтакорлари ўтган йили барча майдонга чигитни янтарь кислотаси эритмасида ивитиб экдилар.

Шуниси қувончлики, янтарь кислотаси ишлатилган барча хўжаликларда давлатга пахта сотиш плани 15-20 октябргача бажарилди.

Хўш, янтарь кислотасидан қандай фойдаланиш керак, деган савол туғилиши мумкин. 0,8 грамм янтарь кислотаси 35 литр сувда эритилиб 100 килограмм чигитга сепилади. Эритмани уруққа шимдириш учун уни ич-ўртга бўлиб сепиш ва ҳар сафар яхшилаб аралаштириш лозим. Чигит асфальт ёки тахта устига 10-15 сантиметр қалинликда ёйилади ва дастлаб 15 литр эритма сепилиб, белкурак билан қайта-қайта аралаштирилади. Сўнг бир ерга тўпланиб, устига бризент ёки коплар ёпиб 3-4 соат ўраб қўйилади. Бу вақтда чигит эритмани тўла шимиб олади. Шундан кейин икки марта 10 литрдан эритма сепилиб, яна яхшилаб аралаштирилади ва уйиб ўраб қўйилади. Шундай қилиб, 18-20 соат давомида эритмадаги барча янтарь кислотаси чигитга тўла сингади. Сўнгра чигитнинг усти очилиб, ёйиб қўйилса ортиқча нам бугланиб чиқиб кетади. Шуни унутмаслик керакки, намни шимган уруғ шишиб, ҳажми бир оз катталашади. Шу туфайли сеялкаларни бунга мослаштириб, қайта созлаш зарур.

Янтарь кислотаси билан маккажўхори, буғдой, арпа, шоли, сули, нўхат, сабзавот ва полиз экинлари уруғини ивитишда ҳам юқоридаги қоидага амал қилиш лозим.

Республикада 1964 йили 14 минг гектар майдонга янтарь кислотаси эритмасида ивитилган чигит экилди. Бўка районида 2600 гектар ерга янтарь кислотаси эритмасида ивитилган уруғ экилди. Бу жуда яхши фойда берди. Ҳосил мўл бўлди ва барвақт етилди. Районда пахта тайёрлаш плани 25 ноябрда 111,27 процент бажарилди, давлатга 1963 йилнинг шу муддатидагига нисбатан 5000 тонна кўп пахта топширилди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Андижон, Тошкент ва Фарғона областларида колхоз ҳамда совхозларнинг агрономлари, агрохимия лабораторияларнинг мудирлари иштирокида кенгашлар ўтказилди. Унда бу йил жуда катта майдонларда янтарь кислотасидан фойдаланишга, ана шу ажойиб стимулятордан фақат чигитни эмас, балки бошқа экинлар уруғини ҳам ивитишда фойдаланишга қарор қилинди.

Янтарь кислотаси ёрдамида Ўзбекистон шароитида бир йилда икки марта ҳосил олиш мумкин. Агар кузда ёки эрта баҳорда дон экинлар уруғи янтарь кислотаси эритмаси сепиб экилса, уларнинг ҳосили тез пишади ва ўрнига яна экин экиш ҳамда унинг ҳосилини қишгача ўриб-йиғиб олиш мумкин бўлади.

Лекин шуни унутмаслик керакки, уруғни янтарь кислотаси эритмасида ивитиб экдик, энди экинни парвариш қилмасак, озиқлантирмасак ва агротехника қоидаларига риоя қилмасак ҳам бўлади, деган хом хаёлга бориш ярамайди. Чунки янтарь кислотаси азот, фосфор, калий, кальций ўғитларининг ўрнини боса олмайди. У юқоридаги ўғитларга қўшимча равишда ўсимликнинг ердан ва ҳаводан яхшироқ озиқланишига ёрдам беради, ҳосилдорлиги ошириш қилинмаса, агротехника тадбирлари вақтида ва сифатли амалга оширилмаса янтарь кислотасининг ёлғиз ўзи билан мўл ҳосил етиштириб бўлмайди.

Янтарь кислотасининг бир килограмми 125 тонна уруғни дорилашга етади. Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, янтарь кислотаси пахта, дон, полиз экинлари ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим омилидир. Ҳосилим мўл бўлсин, эрта етилсин деган деҳқон бу мўъжизанинг қадрига етиши ва ундан имкони борича кенг фойдаланиши керак.

**Р. РАҲМОНОВ.**
**Узбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментальҳ биологияси институти лабораториясининг мудири, биология фанлари кандидати.**

**А. МУТАЛОВ,**
**И. ҚУВВАТБЕКОВ,**
**институт илмий ходимлари.**

# БЕДАПОЯЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозида кейинги икки-уч йил ичида бедапоялар майдони кескин камайиб кетди. Мавжуд 132 гектар ердаги беда ҳам яхши парвариш қилинмаганлиги сабабли ҳосилдорлик пасайди. Натижада ўтган йили беда тайёрлаш плани 70 процент бажарилди, холос.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бедапояларни кенгайтириш тўғрисидаги қарори асосида совхоз дирекцияси бедачилик хўжалигини ривожлантириш тадбирларини белгилади. Шу кунларда эски бедапояларни парвариш қилиш ва янги майдонларга беда экиш ишлари кучайтириб юборилди. Калинин бўлимидаги ўртоқ Нуриддин Муҳиддинов бошлиқ бригадада 27 гектар бедапоянинг ҳар гектарига 500 килограммдан суперфосфат солиниб, сугорилди. 15 гектар ерга беда экилди.

Совхозда ҳозиргача 82 гектар ерга беда экилиб, бедапоялар майдони 200 гектардан оширилди. Беда экиш давом этяпти.

**Қ. АЗИМОВ.**
**Фарғона области.**

# МАИШИЙ ТЕМАДА

### «ИУҚНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?»

— Лампочка борми?
— Йўқ!
— Лампа шиша топиладими?
— Бизда бўлмайди!
— Керосин олиб келдингизми?
— Ҳозирча йўқ!

«Улус» совхозининг 5-фермасидаги 10-магазинга кирган киши ана шунақа савол-жавобнинг гувоҳи бўлади. На совхоз маъмурияти, на Пастдаргом район матлубот союзи раҳбарлари совхоз ишчиларига маданий, маиший хизматни яхшилаш ҳақида бош қотиришмаётир. Аксҳолда магазинчиларнинг «Ў йўқ, бу йўқ» деган жавобига аллақачон чек қўйиларди.

**Б. ДЎСОНОВ,**
**Самарқанд области.**

### ҚАЧОНГАЧА?

Ям-яшил далаларда завқли меҳнат қилиб ўйга қайтгач, қора кўз фарзандлари билан телевизордан томоша кўрсанг, оромбахш куй-қўшиқларни тинг ласанг, бунинг гаштига нима етсин. Лекин бир неча ойдирким. Сирдарё область, Фориш районидаги Киров номли совхозинг 4-бўлим ишчилари ана шундай хордиқ чиқариш имконидан маҳрум бўлиб қолдилар. Бўлимдаги электростанция ишламаяпти. Уни тузатиш ҳақида мажлисларда кўп гапирилса ҳам, лекин совхоз маъмурияти амалий тадбир қўлламаётир. Меҳнаткашлар электр нури олмаётган бўлишса ҳам хонадонларига ўрнатилган ҳар бир лампочка ҳисобидан пул тўлашаётир, совхоз эса ишламаётган станция мотористи ва монтёрларига қаҳ бераётир. Бу ҳол қачонгача давом этади?!

**Т. НОРБЕКОВ,**
**совхоз ишчиси.**

### БУЮРТМАЧИЛАР НОРОЗИ

Фарғона область, Олтиариқ районидаги маиший хизмат комбинатида бу йил иш суръати пасайиб кетди:

— Нега ойлик план бажарилмаётир? — сўрадик комбинат директори А. Бозоровдан.

— Буюртмачилар кам келиш япти, — деб жавоб берди у.

Буюртмаларнинг муддати чўзиб юборилаётганлиги, ишлар сансалорликка солинаётганлиги буюртмачиларнинг комбинатдан қўлини ювиб қўлтиққа уришга мажбур қилмоқда. Дала ишлари қизғин тус олган шу кечакундузда комбинатнинг дурадгорлик цехи ҳам дала шийпонлари учун каравот, беланчак, дераза ва эшик ромлари бўйича тушган буюртмаларни бажара олмаётир. Комбинат раҳбарларига айтадиган сўзимиз шуки, қуруқ ваъдалар камроқ бўлсин.

**Ю. ЭМИНОВ.**

### Қар тўғрисида БИР ШИНГИЛ

Гурлан районидаги Қуйбишев номли колхоз қишлоғи йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кейинги икки йилда боғча, алоқа бўлими ва бошқа уйжой ҳамда жамоат бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

**Қ. ИБРОҲИМОВ.**

Янги қурилган клуб, мактаб бинолари Андижон область, Учқўрғон районидаги «Коммунизм» колхози қишлоғи ҳуснига-ҳусн қўшди. 1 100 хўжалик электрлаштирилди. Колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда.

**Ж. УСМОНОВ.**

Яқинда Қўқондаги «Ҳамза» театри биносида шаҳар меҳнаткашлари Улуғ Ватан уруши даврида ота-онасидан етим қолган турли миллат болаларини боқиб тарбиялаган Шоаҳмад ота Шомаҳмудов ва Баҳри опа Акромовалар билан учрашдилар. Улар учрашув қатнашчиларига болаларни тарбиялашдаги ўз тажрибаларини сўзлаб бердилар. Йиғилишдан сўнг театр артистлари концерт қўйиб бердилар.

**О. ЮСУФЖОНОВ.**

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

# ЯШИЛ БОЙЛИКЛАР

### ДЎСТЛИК НИҲОЛЛАРИ

**Шредер номидаги узумчилик-мевачилик илмий текшириш институтида етиштирилаётган мева кўчатлари республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларига узлуксиз жўнатилмоқда. Миришкор боғбонлар бу йил Сирдарё областидаги совхозларга 200 минг туп кўчат жўнатдилар. Оржоникидзе райони хўжаликлари 22 минг туп кўчат харид қилдилар. Қирғизистон ССРдаги «Олатов» совхозига 100 минг туп, Қозоғистон ССР, Чимкент области колхоз ва совхозларига 70 минг туп ниҳол жўнатилди. Умуман фидокор коллектив кўчат экиш ойлиги бошлангандан буён жойларга 775 минг туп мевали кўчат ва 1 миллион 200 минг дона ток қаламчаси юборди. Келгуси йилда тарқатиш учун 1 миллион 500 минг туп олма, олча, гилос ва бошқа мевали дарахт кўчатлари тайёрланмоқда.**

**С. СУЛТОНОВ.**

### ЯНГИ БОҒ

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ «ПОБЕДА» КОЛХОЗИДА МЕВАЛИ БОҒЛАР ТОБОРА КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА. КОЛХОЗ БОҒБОНЛАРИ РАҲИМБЕРДИ ТОШБОЛТАЕВ, МАТМЎМИН СИДДИҚОВ, ТОЖИБОЙ КАРИМОВ ВА БОШҚА МИРИШКОР ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН КОЛХОЗДА ЯНГИ БОҒ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ. БОҚҚА 25 МИНГ ТУП МЕВА ДАРАХТИ КЎЧАТЛАРИ ЎТҚАЗИЛДИ. ЎТГАН ЙИЛЛАРДА БУНЕД ЭТИЛГАН БОҒ-РОҒЛАР ХЎЖАЛИККА ЖУДА КАТТА ДАРОМАД БЕРАЕТИР.

**Т. АҲМАДАЛИЕВ.**

### ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ КЎЧАТ ЭК

**Ленин номли колхоз аъзолари «Деҳқон бўлсанг кўчат эк» деган шиор остида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ташландиқ ва бўз ерларни ўзлаштириб қисқа вақтда 10 минг туп ерга яқин ўрик, нок, шафтоли, олма кўчати экдилар. Кўчатларни пенсионерлар ва кекса боғбонлар меҳр билан парвариш қилмоқдалар.**

**М. ШАМЕНОВ.**
**Оққўрғон райони.**

### ҲАШАР

*Қўқон шаҳар меҳнат аҳлининг яхши одати бор. Улар ҳар йили икки марта, яъни куз ва баҳор фаслларида ҳашар ўтказиб, шаҳар хиёбонлари, йўл ва йўлкаларнинг четларига мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазадилар. Бу йил шаҳарни яшил дарахтлар билан буркашда коммунал хўжалик бўлими ходимлари илғорликни эгалладилар. Улар бир ой мобайнида 22 минг тупга яқин турли кўчат ўтқаздилар. Кўчат ўтқазиш қизғин давом эттирилмоқда.*

**Р. ШЕРМАТОВ.**

### ЯШНАЕТГАН БЎЛИМ

**«ДРУЖБА» СОВХОЗИНИНГ 1-БЎЛИМИ ЙИЛ САЙИН ҚУРКАМЛАШИБ БОРАЕТИР. БУ ЕРДА ЯНГИ БОҒЛАР БУНЕДГА КЕЛМОҚДА. ИШЧИЛАР ШУ КУНГА ҚАДАР 6 МИНГ ТУПДАН-ЗИЕД МЕВАЛИ ДАРАХТ КУЧАТИ ВА 4 МИНГ ТУП ТУТ КУЧАТИ КУКАРТИРДИЛАР. ЯНГИЕР РАЙОНИДА БУНДАЙ ЯШНАЕТГАН ПОСЕЛКАЛАР ЎНЛАБ САНАЛАДИ.**

**А. АЛИБЕКОВ.**

### ПЕНСИОНЕРЛАР ТАШАББУСИ

Балиқчи районидаги «Коммунист» колхози аъзолари пенсионерлардан Маматқосим Холиқов, Нажмиддин Тоҳиддинов, Тўйчи Раҳимовларни миришкор боғбон деб аташади. Улар бутун куч-ғайратларини янги боғлар яратиш, коммунистик маъмурчилик бунёдга келтиришга бахш этган кишилардир. Ҳурматли пенсионерлар бу йил 6 гектар ерда янги боғ яратдилар. Колхоз бўйича мавсум бошлангандан буён 40 минг туп тут кўчати ўтқазилди.

**С. ЯНГИТАЛИЕВ.**

### ҚАЛБИ БАҲОР ОТАХОН

**Одил ота Обидов 3-махсус мактаб-интернатда боғбонлик қилиб бошлаганига атиги 4 йил бўлди. Шу даврда мактаб территориясида ажойиб боғ бунёд этилди. Ота мактабга янги келган йили ўтказган нўчатлар ҳозир ҳосилга кирди. Ота бу йил ёш шогирдларини ёнига олиб яна 500 туп мевали нўчат ва 100 туп гул нўчати ўтқазди.**

**Ю. АХРОРОВ,**
**Тошкент шаҳридаги 3-махсус мактаб-интернат.**

*Кейинги кунларда редакция дарахт ўтқазишнинг борыши ҳақида жойлардан жуда кўп хабарлар олаётир. Б. Носировнинг хабар беришича, Киров районидаги «Бешариқ» совхозида 290 минг туп кўчат ўтқазилган. Андижонлик О. Эргашев, тошкентлик У. Муҳамедов, Ж. Мадалиев, поплик А. Раҳматов, самарқандлик Н. Эшмуродов, ғиждувонлик Б. Тешаев, оққўрғонлик Т. Деҳқонов ўртоқларнинг хабарлари ҳам кўчат ўтқазишнинг боришига бағишланган.*

# АЖОЙИБ АГРЕГАТ

**Республикамизда ипак қурти боқиш ғўза парвариши қизғин тус олган даврларга тўғри келади. Техника жиҳатидан сал камқувват бўлган хўжаликлар эса шошиб қоладилар. Шунинг учун ҳам ипак қуртини боқишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш жуда катта аҳамиятга эга.**

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Урта Осиё илмий текшириш институти бу борада жиддий иш олиб бормоқда. Институт коллективи тут новдасини қирқувчи механизациялаштирилган электр асбоб яратди. Бу асбоб 1963 йили Самарқанд районидаги «Гулистон» колхозида синаб кўрилганда яхши самара берди.**

**Мазкур институтнинг буюртмаси билан 1964 йили Актюбинскдаги «Большевик» заводи тажриба ўтказиш учун «ЭВА-6/200» маркали электроветкорез агрегати тайёрлаб берди. Бу агрегат Урта Осиё ипакчилик илмий текшириш институтида синаб кўрилди. Урта Осиё давлат машина-синаш станцияси ҳам бу агрегатни ишлатиб кўрди. Ана шу синовлар туфайли «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси 1965 йил мавсумига 100 агрегат тайёрлашга буюртма берди.**

**«ЭВА-6/200» агрегати асосан тут плантацияларида ишлашга мўлжалланган. Агрегат «ДТ-20» тракторига ўрнатилади. Бир агрегат билан мавсумда 20 гектар майдондаги тут баргини несиш мумкин. Бир гектар майдондаги тут новдаларини қайчи билан несиш учун 163 киши-соати сарфланса, ана шу электроветкорез билан 41 киши-соати сарфланади. Бу эса қўлдагига нисбатан 4 баравар унумлидир.**

### ПИЛЛАЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

◆ ◆

**Электроветкорез агрегатининг афзалликлари жуда катта. Бир гектар майдондаги тут плантациясини қайчи билан ишлашга 50 сўм 16 тийин харажат қилинса, электроветкорез билан ишлашга эса 24 сўму 79 тийин сарфланади. Бу ҳар гектар майдондаги тут плантациясида 25 сўм-у 37 тийинни тежаб қолиш имкониятини беради.**

**Республикамиздаги қатор хўжаликлар тутзорларни йилдан-йилга кенгайтирмоқдалар. Бухоро районидаги «Ленинизм» колхозида 57 гектар, «Янги турмуш» колхозида 115,5 гектар, «Маданият» колхозида 82,5 гектар, Самарқанд районидаги «Гулистон» колхозида 98 гектар майдонда тут плантациялари барпо этилган. Бу хўжаликлар четдан барг олмайдилар. Ипак қуртларини боқиш учун ўз озуқа базаларига эга бўлганликлари учун ҳам пилладан юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар.**

**Бутали тут плантацияларида яхши ишлай оладиган «ЭВА-6/200» электроветкорез агрегати ипак қурти боқаётган хўжаликларга жуда катта иқтисодий фойда келтиришини қўйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, 100 гектарли тут плантациясига эга бўлган хўжалик ана шу агрегатдан бештасини олса, мавсумда 12200 киши-соати тежаб қолиши ёки 1742 ишчидан бошқа юмушларда фойдаланиши мумкин. Бундан хўжалик 2724 сўм тежаб қолади. Ҳар бир агрегат бир мавсумнинг ўзида ўз қийматини қоплай олади.**

**Пилла чиқиши ривожлантиришда электромеханизациянинг роли каттадир. Бу ипак қурти боқаётган хўжаликлардан катта-катта тут плантациялари барпо қилиш, тутзорларни ишлашда механизация кучидан самарали фойдаланишни талаб этади.**

**А. МАМАЖОНОВ,**
қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Урта Осиё илмий тадқиқот институтининг илмий ходими.

### ЯНА БОДОМ ГУЛЛАДИ

*Қўшнимнинг ҳовлисида*
*Яна бодом гуллади.*
*Бир хазина топгандай*
*Кўнглим қувнаб кулади.*
*Бугун кўнглим кулади*
*Бир яхши туш кўргандай.*
*Кўнглим жавлон уради*
*Қўқда учиб юргандай.*
*Аслида бу туш эмас,*
*Навбаҳордан нашида.*
*Хотиралар ҳамнафас*
*Бир тўп бодом қошида:*
*Едингдами қўшни жон*
*Ховлинг қақраб ётганди.*
*Шунда бобонг—пир деҳқон*
*Бодом экиб кетганди.*
*Қишлоғидан келарди*
*Ҳар йил бодом гулида.*
*Гул кўрмасдан кетарди,*
*Хаёл суриб йўлида.*
*На бўларди кўрса чол*
*Шу бодомнинг гулини,*
*Кўзларига сурса чол*
*Шу бодомнинг гулини?*
*Чол кўз юмди, шу баҳор*
*Бодом гуллаб, яшнади.*
*Йилдан-йилга пурвиқор,*
*Қуюқ соя ташлади.*
*Яна бодом гуллади*
*Бобонгнинг соқолидай.*
*Атир пуркаб туради*
*Тогнинг хушбўй болидай.*
*Едингдами, қўшнижон,*
*Бобонгнинг дуолари?*
*Қулоқ остида ҳамон*
*Муборак садолари.*
*Сен ҳам ота бўларсан,*
*Ростдир бобонг дуоси.*
*Қариб бобо бўларсан,*
*Кирқ набира бобоси.*
*Эҳтимол бодом у чоқ*
*Қариб, чириб йўқ бўлар.*
*Ҳузурин кўриб ўчоқ,*
*Қизиб лаққа чўг бўлар.*
*Лекин бодом ўрнига*
*Сен бодом экажаксан.*
*Янги бодом умрида*
*Сен давом этажаксан.*
*Кечир қўшним, кексаймоқ,*
*Ҳамманинг бодоида бор.*
*Эзга йўл берар мутлоқ*
*Кексайиб ҳатто баҳор.*
*Лекин баҳор кафосин*
*Сочаверсин бодомлар.*
*Одамлар гул ҳидласин,*
*Дард кўрмасин одамлар!*

*Азиз АБДУРАЗЗОҚ.*

# Солдат МАКТУБЛАРИ

Совет халқи ҳар қачонгидан фаровон, тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқда. Халқимизнинг фаровон ҳаётини, тинч меҳнатини, осойишталигини қудратли Совет Қуролли Кучлари кўз қорачиғидай ҳимоя қилиб турибди. Совет Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ўзбек йигитлари ҳам бу олижаноб ишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар жанговар ва снёсий тайёргарликда ҳамда ҳарбий техникани эгаллашда сафдошларига намуна бўлмоқдалар.

— Старший матрос Латифжон Ғуломов ҳарбий хизматнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ватан олдидаги ўз бурчини шараф билан адо этишга киришди, — деб ёзади, — старшина Ҳ. Саъдуллаев. Ҳозир унинг кўкрагида «Ҳарбий-Денгиз Флоти аълочиси» значоги порлаб турибди. Хушмуомала, камтар, интизомли, меҳнатсевар бу йигитни бўлинма комсомоллари комсомол ташкилотининг секретари қилиб сайлаганлар. Ўтган йили бўлинма комсомоллари «Аълочи бўлинма» деган фахрли номга сазовор бўлди. Бунда Латифжоннинг ҳам ҳиссаси бор.

Яқинда гарнизондаги қисмлар, кемалар, бўлинмалар комсомол ташкилоти секретарларининг семинари бўлди. Семинарда гарнизон снёсий бўлими бошлиғи энг яхши комсомол ташкилотчилари секретари қаторида Латифжон Ғуломовнинг номи «Тинч океан флоти ҳурмат китоби»га ёзилгани ҳақидаги қувончли хабарни айтиб, унга Фахрий ёрлиқ топширди.

Редакциямизга келаётган кўплаб мактубларда ўзининг Ватан олдидаги бурчини сидқидил ўтаётган юртдошларимиз ҳақида илиқ сўзлар ёзилган.

— Азим Алимаҳрапов номини қисмимиз солдатлари ҳурмат билан тилга оладилар. У қисқа вақт ичида ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги туфайли ҳарбий ва снёсий тайёргарлик аълочиси бўлди, — деб ёзади бўлим командири Н. Румянцев ўз мактубида.

Шунингдек ўртоқ Гордеев Тинч океан флотида хизмат қилаётган сержант Қосим Саидов ҳақида, ўртоқ Свидетелев жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси, оддий солдат Мақсуд Эргашев ҳақида, оддий солдатлар Ш. Шаймов, Ж. Деҳқонов, А. Парпиев, Ф. Исажонов ўртоқлар эса ўз сафдошлари ҳақида ҳам шундай илиқ сўзларни ёзиб юборганлар.

Хат — кўнгил ойнаси, яхши хабарлар элчиси, дейдилар. Ҳа, солдатларнинг хатларида она-Ватанга муҳаббат, унинг осойишталиги йўлида фидокорлик ҳиссиётлари битилган. Чегарачи солдатлар М. Эргашев, Ф. Масандов, Т. Қўзибоев ўртоқларнинг мактублари бунинг гувоҳидир.

— Бўлинмамизда хизмат қилаётган қўрқичлар, — деб ёзади оддий солдат Н. Аҳмаджонов, — она-Ватанимизнинг ҳар бир қарич тупроғини сергак туриб қўриқлаш билан бирга бўш вақтларини кўнгилли ўтказмоқдалар. Улар турли тўгараклар актив қатнашмоқдалар. Чунончи спорт тўгараги қатнашчилари шу кунларда ўз спорт маҳоратларини ошириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар буюн ғалабанинг 20 йиллигги кунигача разряд олишга ваҳд қилишган.

Ватанимиз посбонлари — солдатларнинг ҳаёти жўшқин ва сермазмун ўтмоқда.

Я. Юнусовни қисм солдатлари «бўлбулимиз» деб аташади. Чунки у СССР халқларининг куй ва қўшиқларини зўр маҳорат билан ижро этиб, ўз санъати билан сафдошларини мамнун этмоқда, — деб ёзади оддий солдат Э. Ҳайитов.

«Бизнинг бўлинмамизда турли миллат фарзандлари хизмат қиладилар. Улар бир-бирлари билан ака-укадек бўлиб кетишган. Бу бизга ҳарбий техникани пухта эгаллашимизга, бўш вақтларда кўнгилли дам олишимизга катта ёрдам бермоқда». Ҳарбий хизматчи М. Гурджибоевнинг мактуби ана шундай илиқ сўзлар билан бошланган. С. Эшқобилов, М. Қаршиев, Р. Ҳожиматов ўртоқларнинг мактубларида ҳам халқларимиз дўстлиги улуғланади.

Солдат йигитлар ҳарбий хизматдан ташқари турли касб ва ҳунар эгаллашга ҳам интилмоқдалар. «Армия сафида жуда ҳам кўп совет ёшлари кўплаб ҳунар эгалари бўлиб қолмоқдалар, — деб ёзади, сержант К. Маҳаматов. Яқингинда ҳарбий хизматга келган Аҳаджон Абдуллаев тез орада операторлик касбини эгаллаб олди. Ҳозир у 3-класс оператор. Қисмимизда Аҳаджонга ўхшаган қўли гул йигитлар жуда кўп. Уларнинг бири қурувчи, бири шофер, бири слесарь, токарь».

Солдатлар серқуёш ўлкамиздан узоқда, Иттифоқимиздаги турли шаҳарларда хизмат қилаётган бўлсалар ҳам ўзларини республикамиз меҳнаткашлари билан ёнма-ён ҳис қилмоқдалар. Улар республикамиз ҳаётида рўй бераётган ҳар бир ўзгаришни диққат билан кузатиб бораётирлар. Республика меҳнаткашларининг қўлга киритаётган ютуқлари ўзбекистонлик солдатларнинг қалбларини республикамиз билан фахрланиш ҳиссига тўлдирмоқда.

«— СССР Олий Совети Президиуми республика халқ хўжалигини ривожлантиришда қилган жуда катта хизматлари учун 23 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш, 10996 кишини орден ва медаллар билан мукофотлаш тўғрисида Фармон чиқаргани бизни ғоят хурсанд қилди ҳамда ғайратимизга ғайрат қўшиб, хушёрлигимизни янада ошириб юборди», — деб ёзади Н-ким солдатлари номидан сержант О. Алимов, Шунингдек, оддий солдат Н. Музаффаров, А. Тожиматов, К. Машарипов, У. Тоғбаев, М. Аҳмадалиев, Ў. Сулаймонов, М. Маҳмудов, И. Донийёров, М. Чўлпонов ва бошқа кўплаб солдатлар ҳам шу мазмунда хат ёзиб юборганлар.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

1 АПРЕЛЬ, 1965 ЙИЛ
№ 76 (13.032).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

# Планетамизда

## ВЬЕТНАМДАГИ АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН!

### ПРАГА

«Руде Право» газетаси Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси территориясини ваҳшийларча бомбардимон қилаётганлиги муносабати билан эълон қилган бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: империализм ўзининг мунофиқона ниқобини яна олиб ташлади ва инсоният кўз ўнгида ўзининг жаллод қиёфасида намоён бўлди. Қўшма Штатлар шармандалик билан ном чиқармоқда, деб ёзади газета. Узоқ мамлакатда АҚШ қилаётган жиноятларни бутун дунё қораламоқда. Америка қилаётган ифворгарликлар ва ёвузликларга чек қўйилсин, деб бутун инсоният қатъий талаб қилмоқда.

### БУХАРЕСТ

Америка империалистлари Жанубий Вьетнамда заҳарли моддаларни ишлатаётганлиги разилона жиноят бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг барча принципларини назар-писанд қилмаслиқдир, деб ёзади «Скинтейя» газетаси. Румин халқи барча тинчликсевар кишиларнинг овозига ўз овозини қўшиб, деб уқтиради газета, Жанубий Вьетнамда газлардан фойдаланишга қарши кескин норозилик билдиради, Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессияни кенгайтириш снесатини қаттиқ қоралайди.

### БЕРЛИН

Хельсинкида бўладиган жаҳон тинчлик конгрессига тайёргарлик кўрувчи ГДР ташаббускор комитети Вьетнамдаги Америка агрессиясини дарҳол тўхтатишни талаб қилди. Комитет эълон қилган баёнотда Жанубий Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган урушда Қўшма Штатлар заҳарли газларни қўлланаётганлигини қоралади. Комитет Германия Демократик Республикасининг барча гражданларини ва Ғарбий Германиядаги тинчликсевар кишиларни Америка ҳарбийларининг жиноий ҳаракатларига қарши кучли норозилик билдиришга даъват қилди.

### НЬЮ-ЙОРК

«Нью-Йорк Таймс» газетаси профессорлар билан ўқитувчиларнинг АҚШ президенти Л. Жонсонга очиқ хатини босиб чиқарди. Хат авторлари Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилик билдирадилар ва бу масалани тинч бартараф этишни талаб қиладилар. Хатга Қўшма Штатлардаги етакчи университетлар ва колледжлардаги 250 профессор ва ўқитувчи қўл қўйган. Бундан аввал бу мактубни маориф арбобларидан 800 киши қўллаб-қувватлаган эди.

### ТОКИО

Нуфузли буржуа газетаси «Майнити» ўзининг редакцион мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Америка ва Жанубий Вьетнам ҳарбий ҳаво кучлари Шимолий Вьетнамнинг ҳарбий объектларига ҳаводан яна ҳужум қилганлиги янги жаҳон уруши бошланиб кетиш хавфини яна ҳам кучайтириб юборди. Совет Иттифоқи билан Хитой қилган огоҳлантиришлар қуруқ гап эмаслигини АҚШ сира унутмаслиги лозим».

### СТОКГОЛЬМ

Швеция пойтахтининг аҳолиси «Вьетнамдаги газ уруши тўхтатилсин» деган шиор билан АҚШ элчихонаси биноси олдида норозилик намойиши ўтказди. Намойишчиларнинг вакиллари Америка ҳарбийларининг жиноий ҳаракатларига қарши норозилик мактубини элчихона ходимига топширдилар.

### ПАРИЖ

Собиқ фронтчи республикачилар миллий федерацияси АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларига қарши норозилик билдирди. Федерация «ҳозирги шароитда халқаро можаро чиқариши мумкин бўлган» бу урушни дарҳол тўхтатишни талаб қилади ва «инсонийлик принципларига зид бўлган уруш методларидан фойдаланишни» қоралайди.

### ЭРФУРТ

Демократ юристлар халқаро уюшмасининг секретариати бир қанча муҳим декларация ва қарорлар, шу жумладан Вьетнам хусусида декларация ҳамда Қўшма Штатлар газлардан фойдаланиш билан халқаро ҳуқуқ нормаларини кўпол суратда бузганлиги тўғрисида резолюция қабул қилди. (ТАСС).

## АМЕРИКА АГРЕССОРЛАРИНИНГ ЁВУЗЛИКЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Америка ҳарбийлари Жанубий Вьетнамда яна бир разил ёвузлик қилдилар, улар заҳарли газларни ишлатдилар. Аслини олганда, Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши химиявий уруш бошланди. АҚШ қуролли кучларининг мана шу ваҳшиёна ҳаракатлари барча совет журналистларининг қаҳр ва ғазабини қўзғатди.

СССР Журналистлар союзининг правлениеси ўз баёнотида шу нарсани уқтирадики, ҳатто эълон қилинган уруш шароитида ҳам газлардан, шуниндек заҳарли моддалардан фойдаланишни халқаро ҳуқуқ тақиқлаб қўйган. Жанубий Вьетнам шароитида бундай газларни ишлатиш халқаро нормаларни икки карра бузишдир, чунки АҚШнинг бу райондаги агрессиясининг ўзи жиноятдан бошқа нарса эмас: заҳарли газларни ва бактериология воситаларини қонундан ташқари деб эълон қилган 1925 йилги Жене. ва протоколини кўпгина давлатлар имзолаган ва ратификация қилган. Қўшма Штатлар бу протоколни имзолаган эди, лекин кейинчалик уни ратификация қилишдан бош тортди. Бу факт ўша вақтдаёқ АҚШ ҳарбийлари бу қуролни ишлатмаслик тўғрисида мажбурият олишни истамаганлигини кўрсатмайдими, ахир?

Совет Иттифоқининг барча журналистлари Америка интервентларининг жиноий ҳаракатларига қарши газаб билан норозилик билдирадилар ва бошқа мамлакатлардаги матбуот, радио ва телевиденне ходимларини Жанубий Вьетнамда заҳарли моддаларни қўлланишни қатъиян қоралашга чақирадилар.

Сўнгра баёнотда бундай дейилади: Вашингтоннинг ҳукмрон доиралари заҳарли газларни қўлланишга рухсат бериш билан нақадар хатарли йўлга тушиб олаётганлигини барала айтиш ҳар бир прогрессив журналистнинг бурчидир. Бундай ваҳшиёна ҳаракатлар дарҳол тўхтатилиши ва барча Америка қўшинлари Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетилиши керак. (ТАСС).

### СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ БАЁНОТИ

КОЛУМБИЯ. Сиз суратда кўриб турган икки бино бойлик ва қашшоқлик рамзидир. Майда буржуа истиқомат қилаётган муҳташам бино билан ёнма-ён камбағалларнинг кулбаси жойлашган. Бу сурат капитал ҳукмронлик қилаётган Колумбиянинг пойтахти Богота шаҳрида олинган.

(ТАСС фотохроникаси).

### СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА

*Жазоирда меҳмон бўлиб турган Андриан Николаев билан Валентина Николаева-Терешкова Жазоир радио ва телевидение студиясида матбуот конференцияси ўтказдилар. Улар космик фазони ўзлаштаришда совет халқи эришган муваффақиятлар тўғрисида гапириб беришди ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди.*

* * *

*Космик врач Борис Егоров Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва соғлиқни сақлаш министри Макс Зефреннинг таклифи билан Берлинга келди. У, ўзининг ўн йиллик юбилейини нишонлаётган Берлин Физиология жамиятининг тантанали мажлисида қатнашади. (ТАСС).*

### АСОСИЙ ВАЗИФА

Жазоир касаба союзларининг 2-миллий съезди ўз ишини тамомлади. Съезднинг якунловчи мажлисида Жазоир Республикасининг президенти Аҳмад бин Белла нутқ сўзлади. Ҳозир, деди у, барча асосий ишлаб чиқариш воситаларини меҳнаткашлар назоратига жуда қисқа вақт ичида олиб бериш партия билан касаба союзларининг асосий вазифасидир. Ҳозирги вақтда Жазоир саноатида хусусий сектор кўпроқ ўринни эгаллаб турганлигини айтиб, президент 1965 йилнинг охирига қадар социалистик сектор устун мавқени ишғол қилади, деб делегатларни ишонтирди.

(ТАСС).

### ҲИНДИСТОНДА ТАБИИЙ ОФАТ

Ҳиндистоннинг шарқи-шимолий районларида дўл аралаш кучли ёмғир ёғди, натижада экинзорлар нобуд бўлди. Фақат Уттар Прадеш штатининг бир ўзидагина табиий офатдан икки мингдан ортиқ қишлоқ катта зарар кўрди. Бихар штатида бир неча киши ҳалок бўлди.

(ТАСС).

### БРАЗИЛИЯДА ҚУРОЛЛИ ҒАЛАЁНЛАР

Бразилиядан келаётган хабарларда айтилишича, Бразилиянинг ҳозирги ҳарбий режимига қарши бўлган кишилардан тузилган қуролли отрядлар яқинда мамлакат жанубида, Аргентина чегараси яқинида унча катта бўлмаган уч шаҳарни — Трес-Пасос, Тененте-Портела ва Барранан шаҳарларини қўлга олдилар. Партизанлар маҳаллий ҳарбий гарнизонларнинг солдатларини қуролсизлантирдилар ва қурол-яроғларни, ҳарбий кийим-бошларни, ўқ-дориларни қўлга туширдилар. Тахмин қилишларича, ўтган йилнинг апрелида лавозимидан туширилган президент Гулартга тарафдор бўлган офицерлар партизанлар ҳаракатига раҳбарлик қилмоқдалар.

Партизанлар ҳаракат қилаётган районга ҳукумат қўшинлари юборилди. (ТАСС).

### ИШЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

АҚШ ишша идишлар корхоналари ишчилари касаба союзининг 11 кунлик забастовкаси меҳнаткашларнинг ғалабаси билан тугалланди. Касаба союзининг 32 минг аъзоси иш ҳақини оширишни кўзда тутувчи янги коллектив шартнома тузилишига эришди. (ТАСС).

«ПАХТАКОР» РАҚИБЛАРИ

## «ШАХТЁР» (ДОНЕЦК)

Мана уч йилдирки, Донецкнинг «Шахтёр» командаси футболчилари мавсум олди машқларини Самарқанд шаҳрида ўтказишяпти. Улар ҳозир бу ерда Куйбишевнинг «Крилья Советов», Новосибирскнинг Армия спорт клуби ва «Пахтакор» командалари билан мамлакат XXVII чемпионатига тараддуд кўришяпти.

Украина футболчилари билан «Пахтакор» биринчи марта 1960 йил чемпионатининг финалида учрашган эди. Ушанда учрашув 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб тугаган бўлса, иккинчи матч пахтакорчилар фойдасига 2:0 ҳисобида якунланди. 1961 йил мавсумида «Шахтёр» биринчи группада, «Пахтакор» эса иккинчи группада қатнашди. Рақиблар финал группада ҳам учрашмадилар.

1962 йилда эса ўзбек футболчиларининг кўли баланд келди. Донецкдаги ўйин 1:0, Тошкентдаги учрашув эса 2:1 ҳисобида пахтакорчилар фойдасига тугади. Навбатдаги мамлакат биринчилигида донецкликлар мағлубият ҳиссасини чиқардилар. Ҳар иккала учрашувда ҳам улар устун келишди.

«Шахтёр» билан «Пахтакор» жами олти марта учрашди. Бунинг учтасида пахтакорчилар, иккитасида эса донецкликлар ғолиб чиқишди. Бир ўйин дуранг бўлиб тугади. Тўплар нисбати тошкентликлар фойдасига 7:5 бўлди.

Бу йил «Шахтёр» составида қандай ўзгаришлар бўлди? Команда мавсумга қандай тайёргарлик кўряпти? Ана шу саволлар билан команда тренери И. Бобошкога мурожаат қилдик.

— А. Жуков билан А. Коршунов «Черноморец»га, А. Савченко «Авангард» командасига, В. Хмельницкий эса Киевнинг «Динамо» коллективига ўтиш истагини билдирди,— деди тренер,— уларнинг ўрни эса қобиляти ёшлар билан тўлдирилди. Командага янги қабул қилинган дарвозабон А. Ярчук, ҳимоячи Н. Вагнер, ярим ҳимоячи В. Андриенко, ҳужумчи А. Пилипчуклар контроль учрашувларда ўзларини кўрсатишди.

3 апрелда «Шахтёр» футболчилари Тошкентда «Пахтакор» командаси билан мавсум олди ўртоқлик учрашувини ўтказадилар.

## ЁШЛАР ИЖОДИДАН

### ЕР ВА ИНСОН

*Евволги табиат*
*Қуёшдан айриб,*
*Ерни зимзиё тун қаърига*
*отган.*
*Қуёшга кўз тутиб,*
*Кул бўлиб баҳри,*
*Асрлар фалакка термулиб*
*ётган.*

*Тоғларни ўстирган,*
*Ўстирган ҳайвон,*
*Мени узатсин деб*
*Қуёш баҳрига.*
*Дарахтлар ўстирган...*
*Талпинган ҳарён,*
*Лекин,*
*Етолмаган (афсус) бахтига.*

*Минг-минг йиллар ўтган*
*Ўшандан бери...*
*...Ва*
*Одам яралган —*
*Энг сўнгги имкон...*
*...Қўксига босганча кексайган*
*ерни,*
*Қуёшга элтмоқда донишманд*
*инсон.*

**Чўлпон ЭРГАШЕВ.**

### КЎКЛАМ

Кўклам!
Сендай бўлиш —
Эзгу армоним,
Хислатларингга мен азалдан ўчман.
Гулдираб,
Ларзага солсам ҳарённи,
Яшиндай чақнасам,
Шамолдай кўчсам...
...Бир зумда жўшасан оламга сиғмай,
Бир зумда тинасан —
Чарақлар осмон...
...Сендай бўлсам дейман:
Ҳар нафасимда —
Акс этса тўлқинли,
Чақмоқли замон...

* * *

Ҳали тонг йўлини тўсиб турар тоғ,
Ҳали
Қояларга нурлар кўчмаган.
Аммо,
Кўп уйларда одамлар уйғоқ,
Кўп уйларда чироқ ўчмаган...

...Билмасам ҳам —
Нега шу пайтга қадар
Одамлар ухламас,
Одамлар бедор —
Беҳад бахтиёрман:
Ёнар чироқлар,
Шулар қаторида
Меники ҳам бор...

* * *

Ҳаёт —
Китоб демак,
Унинг ҳар сатри —
Бир оннинг изоҳи бўлмиш ибора.
Ойларни акс этар саҳифалари,
Боблари —
Йиллардан иборат.

Мутолаа қилиб муттасил уни,
Йиллардан йилларга ташлаймиз қадам...
...Ҳаёт китобини варақлаб туриб,
Китобга айланиб қоларкан одам...

**Машраб БОБОЕВ.**

### УДУМ

Кўчат экиб турган болани кўрсам,
Кўрсам пайванд қилган нуроний қолни,
Бахт топиб олгандай бўламан хурсанд,
Беминнат яхшилик билмас заволни.

Қадим замонлардан қолган бу удум:
Халқим ўлка бўйлаб боққанида
мол,
Қайга кўчиб борса қазиркан қудуқ,
Уй қуриб, ёнига экаркан ниҳол.

Кўчиб кетар бўлса уйни бузмаган,
Дарахтни кесмаган, болта келтириб.
Шунда дастурхонда бир жуфт нон
билан,
Кўза ҳам қолдирган сувга тўлдириб.

Балки меҳмон бўлар неч қолган
овчи,
Балки чўпон-чўлиқ қондирар
чанқоқ.
Е адашиб юрган бирон йўловчи
Шу ердан йўл топар,
Чекинар фироқ.

Билмайман боболар бундан не
кутган,
Ҳеч нарса кутмасдан қилганмикин ё?
Ҳарқалай қалбини шунда кўрсатган,
Мени шу ҳислати этар маҳлиё.

**Маъ;ф ЖАЛИЛОВ.**

## КАМИНАЛАРИ

ҲАЖВИЯ

Тақдирим шу кечаси ҳал бўлди, Тоғам, унинг дўсти колхоз раиси Нусрат ака ва яна уч-тўрт киши ўтириш қилишди. Каминаларн уларга хизмат қилиб турдилар. Нусрат ака «думимни тугишмоқчи» деб, ҳасрат қилиб қолди. Ширакайф тоғам аллақачондир телефон қилди. Раис ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

Бир маҳал тоғам «Каттароқ ишга борасизми?» деб мендан сўраб қолса бўладими. Қурмагур ароқ шер қилиб юборган эканми, майли, деб юборибман. Эртаси Нусрат акамларга эргашиб, колхозга келдим. Раис, механизация бўйича ўринбосарим бўлиб ишлаб турасиз, қийналмайсизми, деди. Тракторни кўрмаган инсон борми шу замонда, розилик билдирдим.

Колхозга келиш қаёқда эди, дейсиз! Ноғу-насиб, бошга тушгач на чора?.. Мирзачўлни ўзлаштираётганлар ҳам мендақадирда...

Лекин... дарҳол ишни ўзлаштириб олишим шарт. Аммо касби қурғур ҳам ниҳоятда мушкулга ўхшайди. Бир-иккида ишим механизацияга тушмаган эди. Бутун умрим тоғамга қарашли ташкилотларда ўтган.

Раис ажойиб одам экан. «Бир далаларга чиқиб, баҳри-дилингизни очиб келинг» деб қолди. Марказий кўчага ўтдим. Паст кўчадан кимдир мотоцикл миниб келарди. Ия, бош механизатор Эргашвой-ку! Қўлимни кўтардим. Мотоцикл таққа тўхтаси.

— Хўш, Эргашвой, йўл бўлсин?

— Далага...

— Мени ҳам ола кетинг, одамлардан хабар олиб келай.

— Марҳамат, люлкага.

Мотоцикл шамолдай учиб бораётир. Ҳадемай қирга яқинлашиб қолдик. О-о-о! Кўм-кўк адрлар, ўндигина барг ёзаётган дарахтлар, соф ҳаво, қушларнинг наъмаси дилга ором бахш этади. Тоғамларнинг билгани-билганда, дидларингга минг офарин-э! Тоғам мени ишга эмас, жаннатга юборибди-ку!

— Далада ишингиз бормиди. Эргашвой?

Эргашвойнинг жавобини эшитдиму, худо ҳаққи, ўзимдан кетиб қолаёздим. «Бир трактор бузилиб қолибди, бомба олиб кетяпман» дегани нимаси? Бомба! Бомбани нима қилишади... Еки тракторни портлатишармикин?! Ҳозир тўсатдан портлаб кетса-я! Икковимиз ҳам тил тортмай ўламиз. Аксига юриб, йўл ҳам ўқиқр-чўқиқр экан.

— Эргашвой, мен шу ерда қолақолай, мотоциклингиз жа эзворди, йўл ёмон экан.

— Э, ҳорманг-э, дарров йўлдан шикоятми?!

Миям қурсин. Ўялганимдан терлаб кетдим. Бундан кўра бомбадан ўлиб кетганим яхши эди. Рост-а, колхозга келган одам йўл азобидан шикоят қиладими бўлмаса!

Шу пайт ниманингдир қаттиқ портлаган овози эшитилди. Мотоциклдан жон ҳолатда ўзимни йўл чеккасидаги ариққа отдим. Бомба портлаганда чуқур жойга яшириниш керак, деб эшитган эдим. Чуқурдан туриб мўраласам.., Ҳайриятэй, баллон ёрилган экан.

— Ариқда сув ҳам йўқ экан, чанқаб кетудим... — дедим нима дейишимни билмай.

Эргашвой эпчил бола экан, янги баллонни жойига қўйди, ёрилганини орқага осди. Ҳамроҳим қўймади, ноилож яна мотоциклга миндим. Жўнадик.

— Укажон, энди секинроқ ҳайданг, тагин ёрилиб кетмасин?

— Йўг-э..,

Узоқда тракторлар кўринди. Етиб бордик. Икки тракторчи бизни қаршн олди. Эргашвой менн таништирди:

— Механизация бўйича раис муовини ўртоқ Тиллаев... отлари Маҳсим ака... Булар эса ёш механизаторлардан Одилжон ва Ҳикоятхон.

Эргашвой нариги томонга югуриб кетди. Мен Одил ва Ҳикоятхон билан гаплашиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрадим. Шудгорнинг чуқурлиги қалай, дейишди. Билмасам ҳам сир бой бермай, яхши-яхши, жойида, деб мақтаб қўйдим. Бир маҳал Эргашвой чақирди. У бир киши билан бузилган трактор олдида турар эди. Тузатолмаётган бўлса, ёрдамга чақиряптими, деб чўчиб кетдим. Олдига бордим.

— Мана, ака, ҳалиги савилни жойига қўйдим, энди юрса керак, — деди Эргашвой.

— Яша, ука, юрса бўлди. . . — дедим ва секин орқамга тисарила бошладим.

Эргашвой аллақандай тасмани тракторнинг қорнидаги бир илмоққа ўраб, тортиб юборган эди, нимадир тарс этиб портлади. Трактор юриб кетди.

Мотоциклда орқага қайтдик. Ўша кунн колхозда тунаб, тонгда шаҳарга тушиб келдим. Шу-шу колхозга бормадим.

Уч кундан сўнг раис излаб келди. Об-ҳавоси ёқмади, деб баҳона қилдим. Лекин кутишни жойига қўйдим. Алламаҳалгача ўтириб латифа, топишмоқлар айтишдик. «Бомба қаерда ишлатилади?» деган топишмоғим устида анча бош қотирди. Раис нуқул «Урушда» дейди. Мен «Трактордa ҳам» дедим.

Раис «У бомба эмас, помпа-деталь» деб, қотиб-қотиб кулди. Эртаси қайтиб кетди.

Нима бўлса ҳам бола-чақамнинг бахтига омон-эсон уйга келиб олдим. Аввалги касбимдан қўймасин! Тоғам саломат бўлса, каминалари!...

**Раҳимберди УМАРОВ.**

## САМАРҚАНД

*Самарқанд кафтимда, Унга*
*маҳлиё —*
*Суқланиб боқаман Афросиёбдан.*
*Заррин пештоқларда тилларанг*
*жило,*
*Шаҳар нур эммоқда тўйиб*
*офтобдан.*

*Кўз олдимда икки дунё намоён,*
*Асрий обидалар кетмиш пинакка.*
*Уларнинг ёнида бир лайлаксимон*
*Кранлар ишлайди бўй чўзиб кўкка.*

*Қайтадан яшарар қадимий шаҳар,*
*Қаёнга қараманг қурилиш майдон.*
*Кўзини уқалаб уйғониб саҳар —*
*Янги сарой кўриб Регистон ҳайрон.*

*Қўққисдан серқатлов йўл*
*ўртасида —*
*Қолган кекса каби гангираб боши,*
*Чўчиб юк кранинг минорасидан*
*Ўзин четга олмоқ бўлади шошиб.*

*Асло чўчиманглар, эй обидалар,*
*Кранлар сизларга етказмас зиён.*
*Нуроний, сервиқор азиз дадалар —*
*Мисоли яшайсиз сиз дориломон.*

*Боболарнинг руҳи сизда мужассам,*
*Ерқин кўраман мен меҳнат,*
*ранжини.*
*Кўз ёшидай тиниқ, қалблардай*
*кўркам,*
*Кўзларимга суртсам гарду*
*ганжини.*

*Ками-кўстингизни битказиб, чоғлаб,*
*Гуллар экажакмиз биз қошингизга.*
*Асрлар лаб тишлаб қолсинлар*
*доғда*
*Амрин ўтказолмай бир тошингизга.*

*Сиз мағрур қад керинг, кўкка*
*тираб бош,*
*Кўксингиз чўкмасин мисоли қоя.*
*Аммо вазифа бор: келса яланг-ёш,*
*Уларга ўтишидан айтинг ҳикоя.*

**М. ХУДОЙҚУЛОВ.**


## ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

**3% ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ**

104-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1965 йил 30 мартда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди

Заёмнинг ҳамма ўн саккиз разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

| Серия номерлари | Облигация номерлари | Ютуқ миқдори (сўм билан) | Серия номерлари | Облигация номерлари | Ютуқ миқдори (сўм билан) | Серия номерлари | Облигация номерлари | Ютуқ миқдори (сўм билан) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 000157 | 22*) | 500 | 037075 | 1—50 | 40 | 069055 | 1—50 | 40 |
| 000378 | 1—50 | 40 | 037422 | 1—50 | 40 | 069383 | 1—50 | 40 |
| 002629 | 03*) | 500 | 037920 | 16*) | 500 | 069430 | 1—50 | 40 |
| 003113 | 03*) | 500 | 038054 | 21*) | 500 | 069754 | 41*) | 500 |
| 004736 | 45*) | 500 | 038550 | 15*) | 1.000 | 069869 | 05*) | 500 |
| 004809 | 15*) | 500 | 039311 | 21*) | 500 | 070534 | 1—50 | 100 |
| 004939 | 1—50 | 40 | 039367 | 34*) | 500 | 070695 | 26*) | 500 |
| 006369 | 1—50 | 40 | 039749 | 1—50 | 40 | 071413 | 07*) | 500 |
| 006426 | 26*) | 1000 | 040356 | 29*) | 500 | 071866 | 31*) | 500 |
| 006486 | 09*) | 500 | 041239 | 1—50 | 40 | 072351 | 07*) | 500 |
| 007612 | 1—50 | 100 | 041379 | 19*) | 500 | 073280 | 1—50 | 40 |
| 007623 | 1—50 | 100 | 041650 | 05*) | 5.000 | 074132 | 18*) | 500 |
| 008428 | 1—50 | 40 | 042060 | 25*) | 500 | 074660 | 1—50 | 100 |
| 009328 | 28*) | 1.000 | 042373 | 1—50 | 40 | 074855 | 34*) | 500 |
| 009509 | 32*) | 500 | 042653 | 1—50 | 40 | 074880 | 32*) | 1.000 |
| 009785 | 37*) | 500 | 043527 | 33*) | 500 | 075155 | 11*) | 1.000 |
| 010420 | 08*) | 500 | 043545 | 34*) | 500 | 075968 | 15*) | 1.000 |
| 010739 | 40*) | 500 | 046537 | 08*) | 500 | 076174 | 43*) | 500 |
| 010975 | 1—50 | 40 | 046685 | 36*) | 500 | 076554 | 13*) | 1.000 |
| 011530 | 1—50 | 40 | 046786 | 32*) | 1.000 | 077325 | 1—50 | 40 |
| 012420 | 1—50 | 40 | 046980 | 01*) | 1.000 | 077666 | 05*) | 500 |
| 013116 | 22*) | 500 | 047809 | 04*) | 500 | 077795 | 21*) | 500 |
| 013236 | 24*) | 500 | 048241 | 05*) | 1.000 | 077833 | 35*) | 500 |
| 013895 | 1—50 | 40 | 048243 | 45*) | 1.000 | 078718 | 28*) | 500 |
| 013971 | 45*) | 500 | 049411 | 1—50 | 40 | 079575 | 1—50 | 40 |
| 015204 | 1—50 | 40 | 049815 | 14*) | 500 | 080834 | 10*) | 2.500 |
| 015412 | 07*) | 500 | 050077 | 35*) | 500 | 081124 | 18*) | 500 |
| 016069 | 1—50 | 100 | 051134 | 1—50 | 40 | 081243 | 13*) | 500 |
| 016586 | 40*) | 1.000 | 051201 | 27*) | 500 | 082125 | 37*) | 1.000 |
| 017125 | 21*) | 500 | 051600 | 1—50 | 100 | 082376 | 06*) | 500 |
| 018670 | 38*) | 1.000 | 052740 | 1—50 | 100 | 083489 | 1—50 | 40 |
| 021397 | 30*) | 500 | 052804 | 1—50 | 100 | 084297 | 02*) | 500 |
| 022858 | 03*) | 500 | 053851 | 05*) | 500 | 084728 | 39*) | 500 |
| 023746 | 01*) | 1.000 | 054297 | 1—50 | 100 | 086707 | 1—50 | 40 |
| 026157 | 1—50 | 40 | 054326 | 31*) | 1.000 | 086989 | 01*) | 1.000 |
| 026381 | 1—50 | 40 | 055219 | 40*) | 500 | 087291 | 27*) | 500 |
| 026606 | 1—50 | 40 | 055427 | 1—50 | 40 | 088593 | 38*) | 500 |
| 027086 | 40*) | 500 | 057354 | 23*) | 2.500 | 089531 | 1—50 | 40 |
| 027213 | 1—50 | 40 | 058181 | 10*) | 1.000 | 089536 | 1—50 | 40 |
| 027347 | 1—50 | 100 | 058213 | 08*) | 1.000 | 089573 | 1—50 | 40 |
| 027483 | 36*) | 500 | 058351 | 09*) | 500 | 090060 | 08*) | 500 |
| 027532 | 28*) | 500 | 059152 | 1—50 | 40 | 090138 | 43*) | 500 |
| 028268 | 43*) | 500 | 059976 | 27*) | 2.500 | 091282 | 16*) | 500 |
| 029099 | 40*) | 1.000 | 060027 | 31*) | 1.000 | 091834 | 1—50 | 100 |
| 029198 | 39*) | 1.000 | 060073 | 1—50 | 100 | 092343 | 1—50 | 40 |
| 029235 | 23*) | 500 | 060886 | 18*) | 1.000 | 092359 | 47*) | 500 |
| 029317 | 1—50 | 40 | 061103 | 46*) | 1.000 | 092653 | 39*) | 500 |
| 029464 | 1—50 | 40 | 062589 | 1—50 | 40 | 092749 | 16*) | 500 |
| 030250 | 23*) | 500 | 062868 | 12*) | 500 | 093263 | 06*) | 1.000 |
| 031022 | 07*) | 500 | 063046 | 37*) | 500 | 093464 | 1—50 | 40 |
| 032735 | 23*) | 500 | 063978 | 10*) | 500 | 094267 | 1—50 | 40 |
| 032760 | 44*) | 500 | 064976 | 1—50 | 100 | 095824 | 19*) | 2.500 |
| 033001 | 37*) | 5000 | 066084 | 1—50 | 40 | 096324 | 1—50 | 40 |
| 034985 | 21*) | 500 | 066537 | 37*) | 500 | 098002 | 17*) | 500 |
| 035240 | 1—50 | 40 | 066733 | 32*) | 500 | 098329 | 16*) | 2.500 |
| 035653 | 1—50 | 100 | 067422 | 1—50 | 40 | 098788 | 29*) | 500 |
| 036062 | 17*) | 500 | 069011 | 27*) | 500 | | | |

*) Шу серияДаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган. Ўн сўмлик облигацияларга эса ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига ютган облигациянинг ўз қиймати қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССР омонат кассалари ютуқларни газетанинг янаги сони келгандан кейин шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Х. А. АСОМОВ.

Комиссиянинг масъул секретари Н. В. КУЗНЕЦОВА.


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Радио

**1 АПРЕЛДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Совет экрани қўшиқлари. 9.45 — «Ўзбекистон меҳнаткашларининг ўзбек жангчиларига мактуби» (тож.). 10.10 — Белоруссия академик хор капелласи концерти. 10.30 — Енгил куйлар. 10.50 — Реклама ва эълонлар. 11.10 — Андижон нефти. 11.20 — Қўшиқлар. 13.40 — Концерт (рус.). 16.15 — «Ўзбекистон композиторларининг якодий портретлари» Х. Раҳимов. 18.00 — «Алангали йиллар қиссаси». 18.30 — Ўзбек куйлари. 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — «Яхши кишилар ҳақида» (рус.). 20.10 — С. Прокофьев асарлари (рус.). 20.40 — «Омма ва шахснинг тарихий процессдаги роли ҳақида Марксча-ленинча таълимот». 22.00 — «Қардош социалистик мамлакатларда. 22.10 — Куйлардан қўшиқларга. 22.40 — «Жанговар йиллар лирикаси» (рус.). 23.20 — Ўзбек куйлари. 23.40 — Моцартнинг «Фигаронинг уйланиши» операсининг охири. Боши соат 22.00 да иккинчи программа орқали (Москва).

### Телевидение

**1 АПРЕЛДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар. 18.20 — Яшил дўстлар (мактаб ўқувчилари учун). 18.45 — «Чирчиксельмаш»чилар сўзи ва иши (саноат ходимлари учун). 19.05 — Реклама ва эълонлар. 19.15 — Шоҳ ва мот (спорт эшиттириши). 19.40 — Баҳор айёмида (музикали эшиттириш). 20.30 — Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида: 20.35 — Телевизион янгиликлар. 20.55 — «Пахтакор» — «Политотдел» (спортчи меҳмонлар) 21.30 — Кўзи очилди (киноочерк). 21.50 — Эмиль Золя асарлари экранда (тугилган кунининг 125 йиллиги олдидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Олмаота телестудияси эшиттиришлари.

### Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да Флория Тоска, 3/IV да Катта концерт.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/IV да Сарвқомат дилбарим, 2/IV да Сўнгги нусхалар.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 1, 2, 5, 6, 7/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов раҳбарлиги ва иштирокида Хоразм ансамблининг концертлари. Билетлар сотилмоқда.

### Кино

Хиросима тошлари — «МИР», «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 дан).

Можаро — СОБИР РАҲИМОВ номли «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (1-залда), «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) ,«ИСКРА» (кундуз соат 5 гача), «ЧАЙКА» (кеч 9 ва 10 яримда).

Таҳдирга қарши — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Мен — Куба! (1 ва 2-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кеч соат 9 да).

Севимли мустабид — «ДРУЖБА» (2-залда), «ВОСТОК» (кичик залда кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 5 дан).

Будапешт томлари (кундуз соат 3 дан), Уч опа-сингил (кундуз ва кечқурун) — «ЧАЙКА».

Блокнот варанаси (рус тилида) САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, кеч 7, 9 ва 10 яримда).

Синов йўли — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3, 5 ва кеч 10-40 минутда).

Тирикларга мантуб — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Ҳалол нонимиз — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).


БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Э